VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

11 (383) ● 2016 йил 22 март, сешанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари жойларда ўзбек адабий тили меъёрларига қандай амал қилинаётганлигини ўрганмоқда

Бухоро вилоятида 2015 йилда ЎзМТДП гуруҳлари ташаббуси билан 50 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди

Ўтган йили Навоий вилоятида ЎзМТДПдан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатлари 170 га яқин депутатлик сўровини амалга оширди

Президент Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Табиат уйғониб, гул-чечаклар очилиб, атроф яшил либосга бурканиб бораётган шу кунларда яшариш ва янгиланиш фасли бўлмиш Наврўзи олам юртимизга кириб келиши билан сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаш, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва самимий тилакларимни изҳор этиш – мен учун катта бахтдир.

Наврўзи олам барчамиз учун неча минг йиллик тарихга эга, илдизлари "Авесто" даврида пайдо бўлган, қадимий, асл миллий, ҳар қандай сиёсатдан йироқ, кеча ва кундуз тенг келадиган шарқона янги йил бўлиб, эл-юртимиз табиатига, онгу тафаккури, қалби-шуурига чуқур сингиб кетган энг севимли, энг гўзал баҳор байрамидир.

Айни шу бетакрор ва дилбар фаслда кўклам нафаси ва майин шабадалар кириб келиши, куртакларнинг очилиши билан инсон вужудига баҳор нашидаси югургандек бўлади. Барчамиз ўзимизни яшариб кетгандек, куч-қувват, ғайрат ва шижоатга тўлгандек сезамиз, ўзимизни табиатнинг узвий ва ажралмас қисми деб ҳис қиламиз.

Айни шу файзли, шодиёна дамларда юртимизнинг барча гўшаларида, қир-адирлар, боғу роғларда юртдошларимиз сумалак ва ҳалим, кўксомса ва гўжа каби тансиқ таомлар тортилган дастурхонлар атрофида тўпланиб, бу баҳор неъматларини ўз оиласи, яқинлари, дўсту биродарлари билан баҳам кўришга интилади.

Ҳеч шубҳасиз, бундай хурсандчилик ва сайил-томошаларни кўпчилик хонадон ва маҳаллаларда, марказда, узоқ ва чекка қишлоқларда кўриш, кузатиш қийин эмас.

Аҳолимиз, қайси миллат ва элат вакили бўлишидан қатъи назар, байрамона кайфиятга берилиб, бу ажойиб айёмни катта шоду хуррамлик билан ўтказади, бундай дамларда нафақат таниш, балки нотаниш одамларни ҳам қутлаб, бағрига босиб, соғлик, бахту саодат ва омад тилаши ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, десам, ҳақиқатни айтган бўламан.

Мен ҳам айни шу дақиқалардан фойдаланиб, мана шу муаззам ва гўзал майдонда тўпланган сиз, азизларга, бутун халқимизга қарата Алишер Навоий бобомизнинг табаррук сўзлари билан айтмоқчиман: "Барчангизга Наврўз байрами муборак бўлсин, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!" деган самимий тилакларимни, меҳр-иззатимни қабул қилишингизни сўрайман.

Қадрли дўстлар!

Наврўзнинг ўлмас руҳи ва қадриятлари авлодлардан-авлодларга безавол ўтиб келмоқда, орадан қанча йиллар, замонлар ўтмасин, бу ғоя ва одатлар бугунги кунларда ҳам халқимизнинг онгу тафаккурида чуқур из қолдириб, кучайиб бормоқда.

Шу ўринда баъзи бир мисолларни олиб келмоқчиман.

Неча минг йиллик тарихимиздан маълум: Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар, гина ва аразлар унутилиб, одамлар, миллат ва элатлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, ҳамжиҳатлик каби инсоний туйғулар янада кучаяди.

Шу борада бир фараз қилайлик: агарки, бугунги кунда халқаро майдонда тобора авжига чиқаётган кескинлашув, можаро ва қарамақаршиликларни, ҳали-бери давом этаётган қон тўкишларнинг олдини олиш, пайдо бўлаётган муаммоларни фақатгина тинчлик ва сиёсий музокаралар йўли билан ҳал қилишга қайтсак, халқимиз ибораси билан айтганда, олам гулистон бўларди.

Ишончим комил, агарки шу кунларда кўпни кўрган, қанча-қанча синовларни бошидан кечирган, яхшилик ва эзгуликни доимо юрагининг тўрида сақлаб келадиган, меҳр-оқибатли халқимиздан, **шарқона янги йил кириб келиши арафасида туриб, янги йилда сизнинг энг эзгу ниятларингиз нималардан иборат, деб сўраса, халқимиз, ҳеч иккиланмасдан, бизга тинчлик ва омонлик керак, деб жавоб бериши муқаррар.**

Бундай якдилликнинг сабаби ва илдизларини аввало бизнинг қадимий тарихимиз, кўп қиррали буюк маданиятимизда, умумбашарий тараққиётга ўчмас ҳисса қўшган улуғ олим ва мутафаккирларимиз қолдирган бебаҳо меросда, она юртимиз кўп замонлар давомида билим, маънавият ва маърифат маркази бўлиб келганида кўриш даркор.

Бунинг устига, азал-азалдан халқимизга мансуб бўлган олижаноблик, бағрикенглик, одамийлик ва меҳрибонлик, муҳтож бўлганларни қўллаб-қувватлаш, кексаларнинг дуосини олиш, етим-есирларнинг бошини силаш каби савоб ишларни бажо келтиришда бундай хусусият ва аломатлар аҳолимизнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб кетгани ҳеч кимга сир эмас.

Буларнинг барчаси асрлар мобайнида авлоддан-авлодга ўтиб, бойитилиб, охир-оқибатда эзгу инсоний тушунчаларга айланиб, халқимизнинг маънавий ва амалий дунёқараши учун мустаҳкам пойдевор бўлган.

Табиийки, бундай олижаноб, ноёб хусусият ва фазилатларга эга бўлган, пок орзу-интилишлар билан яшаётган, ўзи учун тинчлик ва омонликни, мусаффо осмонни истайдиган халқимиз, ҳеч шубҳасиз, яқин ва узоқ қўшнилари билан ўз муносабатларини ўзаро ҳурмат, дўстлик, ҳамжиҳатлик, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш асосида қуради. Ва юртимизни, аҳолимизни ҳар қандай бало-қазолардан омон сақлашни ўзининг устувор вазифаси деб билади.

Мана шундай қувончли дамларда бугун бизга катта ҳурмат ва эҳтиром билдириб, шу гўзал майдонда Наврўз шодиёналаримизда иштирок этаётган чет мамлакатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларини, хорижий шерик ва ҳамкорларимизни, барча муҳтарам меҳмонларимизни сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан Наврўз байрами билан қутлашга, уларга қизғин ҳурмат ва саломимизни йўллашга рухсат бергайсиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугун мана шу файзли майдонда жамулжам бўлган сиз, азизларни қутлаб, сизларнинг тимсолингизда аввало Ўзбекистонимизни янада обод ва фаровон қилиш йўлида ўзининг мардона меҳнати ва матонати билан улкан ҳисса қўшаётган, эришаётган ютуқ ва марралари билан барчани қойил қолдираётган, ёвуз кучларга бош эгмайдиган, ўз қадр-қимматини, мустақиллигини юксак баҳолайдиган, бағрикенг халқимизни кўраман. Ва шу юксак минбардан туриб, шундай олижаноб фазилатлар соҳиби бўлган халқимиз олдида таъзим қиламан.

Бизнинг таянчимиз ва суянчимиз бўлмиш Ўзбекистон ёшларига қарата айтмоқчиман: бошимиздан кечираётган, шиддат билан ўзгариб, тобора мураккаблашиб бораётган давр барчамизнинг, биринчи навбатда, сиз, азиз фарзандларимизнинг олдига замонавий билим ва касб-ҳунарларни, интеллектуал бойликларни чуқур эгаллаш, шу билан бирга, мамлакатимизнинг халқаро майдонда рақобатдошлигини янги босқичга кўтариш, иқтисодиётимизни янгилаш, модернизация ва диверсификация қилиш, буларни тараққиётимизнинг локомотивига айлантириш каби вазифаларни қўймоқда.

Айни шу улкан долзарб мақсадларга эришиш йўлида сиз, азизларнинг халқимиз, Ватанимизнинг ишончини оқлашга қодир эканингизга ишонаман ва барчангизни доимо қўллаб-қувватлашга тайёрман.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Мана шу нурафшон ва гўзал айёмда барчангизни кириб келаётган Наврўз байрами билан яна бир бор чин юракдан табриклайман.

Наврўз ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга, бутун юртимизга тинчлик-омонлик, меҳру оқибат, бахту саодат, қут-барака олиб келсин!

Барча-барча орзу-ниятларимиз ушалсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Тинчлик, ободлик ва фаровонлик нашидаси

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди

Наврўз — халқимизнинг азалий қадриятлари, эзгу орзу-интилишларини мужассам этган, аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган қадимий байрам. Мустақиллик унга ёшлик, янги ҳаёт бағишлади. Истиқлол йилларида Наврўз мазмунан бойиди, мамлакатимизда яшаётган миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз орзиқиб кутадиган умумхалқ байрамига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг "2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, юртимизнинг барча ҳудудларида бу айёмга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилди. Халқимиз бу кунни янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқда. Шундай фаровон кунларга, байрамларга етганига шукроналар айтиб, хурсандчилик қилмоқда.

21 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари, ёшлар ташриф буюрган.

Соат 10:30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига йиғилганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб олади.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Президентимиз халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Мусаффо осмонимиз узра қуёш чарақлайди. Муаззам майдон атрофидаги улкан ҳаво шарлари майин тебранади. Турфа ранглардаги байроқчалар, анвойи гуллар кўзни қувонтиради.

Саҳна теграсидаги дарахтлар, майсазорлар юртимизнинг баракали боғу далаларини эслатади. Оҳиста айланаётган чархпалак ободлик ва фаровонлик белгиси — обиҳаёт олиб келади. Ҳар бир юртдошимизга таниш, кўнгилга яқин бундай файзли манзара қалбларга кўтаринкилик бағишлайди.

Майдон узра карнай-сурнай садолари янграб, байрам бошланганидан дарак беради. Шундай фараҳбахш дамларда она табиатда рўй бераётган яшариш, янгиланишларни қалбидан ўтказаётган юртдошларимиз кўнглида шодлик, яна бир Наврўзга эсон-омон етганимиз, эл-юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги учун шукроналик туйғулари жўш уради.

Наврўз янгиликларни, яхшиликларни бошлаб келади. 2015 йилги Наврўздан бир неча кун ўтиб, 29 мартда мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлди. Демократия принципларига тўла мос равишда ўтган ушбу тадбирда сайловчиларнинг 90,39 фоизи Ислом Каримовга овоз берди. Бу Ислом Каримовнинг мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, ҳаёт сифатини юксалтириш борасидаги беқиёс хизматларини халқимиз муносиб баҳолаши, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларни давом эттиришни қўллаб-қувватлашининг далолати бўлди.

"Келди баҳор...". Кўнгилларга кўклам сурурини бахш этган сехрли оҳанг оғушида юртимизнинг гўзал табиати, бетакрор қадимий обидаларию замонавий иншоотлари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўрку таровати кўз ўнгимизда гавдаланади.

Мумтоз наволар халқ қўшиқларига уланади. Чанқовуз, сибизға куйлари янграб, саҳнага фольклор-этнографик ансамбллар кириб келади. Наврўз сайли намойиш этилади. Дошқозонларда сумалак тайёрланади, тандирдан иссиқ нонлар узилади, йигит-қизлар қўшиқ айтиб, рақсга тушади.

Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик олий қадрият даражасига кўтарилган. Жамиятимизда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик муҳити қарор топган.

Тинчлик ва барқарорлик сабаб мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори тобора ошиб бормоқда. Энг ривожланган давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар Ўзбекистон билан ҳамкорликка интилмоқда.

2015 йил июнь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун расмий ташриф билан мамлакатимизга келгани бунинг яна бир тасдиғи бўлди.

Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, терроризм ва жиноятчиликка қарши курашиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, илм-фан, маданият ва санъатни ривожлантириш борасидаги ташаббуслари БМТ томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Мамлакатимиз ушбу ташкилот ва унинг қатор тузилмалари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

2-бет →

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
11 (383) 2016 йил 22 март, сешанба

Репортаж

Тинчлик, ободлик ва фаровонлик нашидаси

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали 2015 йили ўнинчи бор ўтказилди. ЮНЕСКО шафелигида ўтказиб келинаётган ушбу мусиқий анжуман халқлар ўртасидаги маданий мулоқотни ривожлантириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз қатъий равишда тинчликпарвар сиёсат юритиб келмоқда.

...Майдон атрофида оппоқ лайлаклар қўним топган. Бу мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталикни, файзу баракани ифодалайди.

Тинчлик — тараққиётнинг асосий омили. Тинчлик-осойишталик бўлган жойда ривожланиш бўлади, одамлар бунёдкорлик, яхшилик истаги билан яшайди. Буни мамлакатимизда иқтисодий ўсиш суръатлари давом этаётганида яққол кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 9 баробардан зиёд ўсди. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимиз жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида барқарор ривожланмоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари кейинги ўн бир йилда 8 фоиздан юқори бўлиб келмоқда. Макроиқтисодий кўрсаткичлар мутаносиблиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг барқарор равишда профицит билан бажарилиши, экспорт ва олтин-валюта захираларининг ўсиши таъминланмоқда.

Бу Президентимиз томонидан асос солинган, халқимиз кенг қўллаб-қувватлаган ва бутун жаҳон эътироф этаётган тараққиётнинг "ўзбек модели" самараларидир. Халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига қўлга киритилаётган бундай ютуқ ва марраларни бутун дунё тан олмоқда. Халқаро эксперт ташкилотлари, нуфузли рейтинг компаниялари мамлакатимиз ривожининг бугунги ҳолати ва истиқболларини юқори баҳоламоқда.

Ўтган йили Швейцарияда Жаҳон иқтисодий форуми — "World Economic Forum" иқтисодиёти энг тез ривожланаётган мамлакатлар рейтингини эълон қилди. Жаҳон банкининг "Глобал иқтисодий тараққиёт" прогнози асосида тайёрланган мазкур маълумотда Ўзбекистон 2014-2017 йилларда йиллик ўсиш даражаси юқори бўладиган давлатлар орасида 5-ўринни эгаллади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш изчил давом эттирилмоқда. 2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди. Умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 йирик ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Жанубий кореялик инвестор ва мутахассислар билан ҳамкорликда Сурғил кони негизида қиймати 4 миллиард доллардан зиёд бўлган Устюрт газ-кимё мажмуаси барпо этилгани, Самарқанд — Қарши темир йўл участкасида юқори тезликда ҳаракатланувчи "Афросиёб" электр поезди қатнови йўлга қўйилгани халқимизга мамнуния бағишлади.

Барча соҳалардаги тараққиёт мамлакатимиздаги ободликда ҳам намоёндир. Шаҳару қишлоқларимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ўтган йили пойтахтимизда ўнлаб кўп қаватли замонавий уйлар, йўл ва кўприклар қурилди. Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида 12 мингта уй-жой, қарийб 170 инфратузилма объекти барпо этилди. Бундай ишлар самарасида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси ўзгариб, одамларнинг ҳаёт сифати юксалиб бормоқда.

Ёшларни қўллаб-қувватлашга оид дастурларга мувофиқ, ёш оилаларга топширилаётган "Камолот" уйлари уларнинг оёққа туриб олиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши ва фарзандларини баркамол этиб тарбиялаши учун катта мадад бўлмоқда.

Наврўз кунларида халқимизга хос меҳру оқибат, хайру саховат янада яққол намоён бўлади. Эл-улус очиқ юз билан бир-биридан хабар олади, беморлардан ҳол-аҳвол сўрайди. Ёши улуғ инсонлар, табаррук отахон ва онахонларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилади.

Президентимиз ташаббуси билан 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилиниши ёши улуғ инсонларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, муҳтарам фахрийларнинг кўнглини кўтариш, саломатлигини мустаҳкамлаш, улар учун қўшимча қулайликлар яратиш

йўлида олиб борилаётган ишлар самарасини янада оширди.

Кексаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида пенсия миқдори 20 фоиздан зиёд кўпайтирилди. 100 ёшга етган ва ундан ошган нуронийларнинг пенсиясига энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида устама тўлаб бориш тизими жорий этилди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганлар санаторий-курортларда бепул даволанди.

...Саҳнага болакайлар кириб келади. Майдон шўх-шодон кулгуга тўлади. Уларнинг абжир ҳаракатлари, хушчақчақ куй-қўшиқлари барчага завқ-шавқ улашади.

Булар — мустақиллик йилларида туғилган, давлатимизнинг алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги оғушида ўсаётган соғлом болалар. Биздан кўра кучли, билимли, доно ва бахтли бўлиб улғаяётган авлод.

Президентимиз раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йилларидан соғлом авлодни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди ва бу эзгу иш изчил давом эттирилмоқда. Оналарнинг соғлом бўлиши, болаларнинг соғлом туғилиши ва ўсиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Аҳоли ҳаёт сифатини юксалтириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби йўналишлардаги ислоҳотлар моҳиятан ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Ёшларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етаётгани халқаро танлов ва мусобақаларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Биргина ўтган йили спортчиларимиз 165 халқаро мусобақада иштирок этиб, 983 медални қўлга киритди. Ёш мусиқачи ва ижрочиларимиз нуфузли халқаро танловларда 137 совринли ўринни эгаллади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2016 йил мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилингани бу соҳага эътиборнинг яна бир ёрқин далили бўлди.

...Майдонда жаҳон мусиқалари янграйди. Классик опера ва балетлар, турли тилдаги қўшиқлар байрам қатнашчилари, чет эллик меҳмонларга завқ бағишлайди.

— Наврўз Ўзбекистонда зўр тантана билан нишонланади, — деди Японияниинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фумихико Като. — Миллий анъаналарингиз халқ, айниқса, ёшлар томонидан фахру ифтихор билан қабул қилиниши эътиборга молик. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик дўстлик ва ўзаро ишонч руҳида, икки томонлама манфаатдорлик асосида барча соҳаларда изчил ривожланаётгани бизни ғоят қувонтиради. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Наврўз айёми билан чин дилдан муборакбод этаман!

...Наврўз томошалари кўтаринки руҳда давом этади. Мониторларда кураш, улоқ-кўпкари, арқон тортиш, тош кўтариш, дорбозлик каби завқли анъаналар намойиш этилади. Ўланчию лапарчилар деҳқончиликка барака тилаб, Наврўз, табиат ҳақида қўшиқлар айтади.

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатлари ривожлантирилаётгани, фермерлик ҳаракатига кенг имкониятлар берилаётгани самарасида ҳар йили юксак ҳосилдорликка эришилмоқда. Ўтган йили мамлакатимизда 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта, 14 миллион 500 минг тоннага яқин сабзавот ва полиз, 4 миллион 300 минг тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди. Шу боис қишин-ёзин бозорларимиз фаровон, нарх-наво меъёрида.

Мамлакатимизнинг тайёр саноат, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, мева-сабзавот экспорти йилдан-йилга ошиб бормоқда.

— Наврўз — ажойиб байрам, — дейди Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Найтхарт Хёфер-Виссинг. — Бу байрам барчага қувонч улашади, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди. Биз ҳам бу шодиёнада иштирок этиб, турли касб эгалари, хорижлик меҳмонлар, ҳамкасбларимиз билан дийдор кўришамиз, байрам дастурини мириқиб томоша қиламиз. Байрам тантанасидаги кўтаринки руҳ, одамлар юз-кўзидаги қувонч ва шодлик мамлакатингиздаги тўкинлик, фаровонлик, тинч ва осуда ҳаёт ифодасидир.

Наврўз кунларида инсон ўзини табиат билан узвий боғланганини янада теранроқ ҳис этади. Она заминни ардоқлаб, бугунги тинч ҳаётнинг қадрига етиб яшаш кераклигини яхшироқ англайди.

Халқимиз азалдан тўю тантаналарга орасталик, бунёдкорлик билан тараддуд кўрган. Ота-боболаримиз Наврўзни покизалик, эзгу орзу-ниятлар билан кутиб олган. Чунки тозалик, саранжом-саришталик бор жойда қут-барака, сиҳат-саломатлик бўлади.

Бу йил ҳам баҳорнинг илк кунларидан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. 12-13 март кунлари мамлакатимиз бўйлаб ўтган умумхалқ хайрия ҳашарида маҳалла ва кўчалар тозаланди, ариёбону боғлар, корхона ва ташкилотлар атрофи ободонлаштирилди. Қадамжолар, қабристонлар тартибга келтирилиб, мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари экилди. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олинди, байрам совғалари улашилди.

Байрам арафасида янги уй-жойлар, корхоналар, тиббиёт ва ўқув муассасалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилди. Бу иншоотлар Ватанимиз чиройига чирой қўшади, юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

— Наврўз тантаналарини томоша қилар эканман, Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланаётганига, одамларимизнинг турмуш даражаси ўсиб, дунёқараши ўзгариб бораётганига яна бир бор амин бўлдим, — дейди Наманган вилоятидан келган хусусий тадбиркор Ғани Умаров. — Бу ўзгаришлар мана шу тантаналар шукуҳида, юртдошларимизнинг қувончида ҳам яққол кўриниб турибди. Шундай дориломон кунларга етганимизга шукроналар айтамиз. Илоҳим, доимо юртимиз тинч, ҳаётимиз бундан-да обод, турмушимиз янада фаровон бўлсин.

...Байрам томошаси қизигандан қизийди. Эстрада хонандаларининг шўх-шодон қўшиқлари, жозибадор рақслар юракларни жўштиради.

Майдон атрофида ташкил этилган халқ ҳунармандлари кўргазмасида намойиш этилаётган маҳсулотлар халқимизнинг бой маданий мероси ва юксак санъатининг ифодаси сифатида кўнгилларда фахр-ифтихор уйғотади.

Наврўз байрамини ўнлаб мамлакатлар аҳолиси сунъий йўлдош воситасида телевидение орқали томоша қилди, интернет орқали кузатиб борди.

Майдон узра янграган куй-қўшиқлар олис-олисларга таралади, бу ердаги кўтаринки руҳ, байрамона кайфият бутун юртимизга ёйилади.

Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайиллари, байрам шодиёналари давом этмоқда.

Нодира МАНЗУРОВА,
Анвар САМАДОВ,
ЎзА мухбирлари

Боқий мерос

Қадриятлар қадр топган юрт

Наврўз умумхалқ байрами ЎзМТДП ташкилотларида кенг нишонланмоқда

Фасллар келинчаги баҳор юртимизга яшариш ва янгиланиш рамзи — Наврўзи оламни бошлаб келди. Наврўз қалбимизга, кўнглимизга яқин байрам. У янги кун демак. Бу кун чиндан ҳам олам ва одам қалби янгиланади, томирларимизда эзгулик ва бунёдкорлик руҳи жўш уради. Кун билан тун тенглашади, моҳиятан қалблардаги туйғулар бирлашади, гина-кудуратлар унут бўлади, ўзаро меҳр-оқибат улашилади.

Халқимизнинг энг қадим миллий-маънавий қадрияти — Наврўз шукуҳи юртимиз бўйлаб кезиб юрибди. Бу кўҳна айёмни халқимиз миллий, шарқона янги йил, боқий анъана ва қадриятларимизни безавол сақлаб келаётган шодлик байрами сифатида ўзгача иштиёқ, қадр ва эъзоз билан нишонлаб келаётир. Истиқлол йилларида бу қадрият янгича маъно-мазмун касб этиб, халқимизнинг энг қадрли байрамига айлангани ҳам бежиз эмас.

Юртимизнинг барча гўшаси, шаҳару қишлоқлари, корхона ва муассасаларида бўлгани каби бу улуғ айём Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси тизимидаги барча ташкилотда ҳам кенг нишонланмоқда.

* * *

Яшариш ва янгиланиш фасли — Наврўзи оламни ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши ташкилотлари ҳам кўтаринки руҳда қарши олмоқда. Хусусан, партия вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" ташаббуси билан "Наврўз — миллий ва маънавий қадрият" номли тадбир ўтказилди. Унда ЎзМТДП фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари, "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" етакчилари иштирок этди.

— Наврўз байрамини қадимдан аждодларимиз шарқона янги йил сифатида кенг нишонлаб келган, — деди тадбирда сўзга чиққан партия вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" етакчиси Муҳаббатхон Жўраева. — Наврўз шодиёналарида деҳқончилик мавсумининг бошланиши, инсон ва табиат ўртасидаги муштараклик, уйғунлик мужассам. Шунинг учун ҳам асрлар оша бу байрам боқий қадрият, миллий маросим сифатида яшаб келмоқда. Президентимиз раҳнамолигида миллий ўзликни англаш, маънавий қадриятларимизни тиклашга қаратилган юксак эътибор туфайли Наврўз юртимизда умумхалқ байрами деб эълон қилинди ва ҳар йили анъанавий тарзда кенг нишонланмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар моҳиятида ўзаро бирдамлик, миллий-маънавий қадриятларимизни асраб-авайлаш каби эзгу ниятлар мужассам. "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидланганидек, Наврўз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодасидир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси миллий ўзликни англаш, ватандошларимизда миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғуларини юксалтириш, "Юксак маънавият — енгилмас куч" эзгу ғоясини рўёбга чиқаришда миллий анъана ва қадриятларни янада мустаҳкамлаб бориш мақсадида қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Бугунги тадбирдан кўзланган мақсад ҳам тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни камол топиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг тарғиб этиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ анъаналарига чуқур меҳр-ҳурмат, эҳтиром уйғотишдан иборат.

Тадбир давомида миллий урф-одатларимиз асосида ташкил этилган саҳна кўринишлари, куй-қўшиқлар тантанага ўзгача файз-тароват бағишлади. Иқтидорли ёшлар ижросидаги миллий лапарларимиз ва куй-қўшиқлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши ходимлари шу куни ёши улуғ инсонлар, ёлғиз кексалар ва ногиронлар ҳолидан хабар олди. Фаол иштирокчилар эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

* * *

Халқимизнинг энг қадимий айёми, қадриятлар тимсоли, яшариш ва янгиланиш фасли — Наврўз ЎзМТДП Навоий вилоят кенгашида ҳам кенг нишонланди. "Қадриятлар қадр топган юрт" шиори остида Хатирчи туманида жойлашган Пўлкан шоир номидаги маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари иштирокида, Нурота тумани Эргаш Жуманбулбул ўғли номидаги боғда, Қизилтепа маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ўтган байрам тантаналари навқирон авлоднинг халқимиз тарихи ва маданияти, боқий анъана ва қадриятлари ҳақидаги билим ва тасаввурини бойитишга хизмат қилди.

— Халқнинг мингйиллик анъаналари, урф-одат ва қадриятлари аждодлардан авлодларга маънавий мерос бўлиб, келажак авлодни камолот сари элтади, — деди Пўлкан шоир номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида ўтган тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўйича етакчи мутахассиси Шаҳноза Расулова. — Урф-одат, анъаналар бугунги авлодни аждодлар тажрибаси билан таништиради, уларда ўз бурч-вазифаларига масъулият билан қараш фазилатларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди. Ўзбек халқининг қадимий байрамларидан бири — Наврўз асрлар силсиласидан ўтиб келиб, мустақиллик йилларида янгича мазмун касб этган ҳолда халқимиз маънавиятини бойитишда, ёшларимизнинг маънавий камолотида муҳим ўрин тутмоқда. Бу айёмни халқимиз уйғониш ва яшариш, гўзаллик ва нафосат, мурувват ва саховат рамзи сифатида юксак қадрлайди. Наврўз кунлари ёшу қари, ҳар қайси инсон ўзини мўъжизакор табиатнинг узвий бир қисми эканини чуқур англайди, табиий муҳитни асраб-авайлаб, у билан ҳамоҳанг бўлиб, мустақилликнинг ҳар бир осуда куни қадрига етиб яшаш кераклигини дилдан ҳис этади. Мингйиллик қадриятимиз ҳисобланган шарқона янги йил партиянинг барча даражадаги ташкилотларида кенг нишонланиши замирида ҳам миллий урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёш авлодни юксак маънавий фазилатлар эгаси қилиб тарбиялаш мақсади мужассам.

Тадбирларда кўпкари, кураш, арқон тортиш каби миллий халқ ўйинлари, миллий урф-одатлар — сумалак сайли, келин салом, бешик тўйи маросимлари ташкил қилинди, фольклор-этнографик ансамбллари халқ оғзаки ижоди намуналаридан ижро этишди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳамда уста-ҳунармандлар, ёш ижодкорларнинг "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остидаги маҳсулотлари кўргазма-савдоси ташкил этилди.

* * *

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" ташаббуси билан Шеробод туманидаги "Катта ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган маданият ва истироҳат боғида Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб "Юксак маънавият ва қадриятлар уйғунлиги" лойиҳаси доирасида "Қадриятлар қадр топган юрт" шиори остида маънавий-маданий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда дастлаб миллий анъаналаримизни ўзида акс эттирган ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди. Унда, асосан, Шеробод туманида жойлашган "Кулолчилик мактаби" маҳсулотлари ҳамда туманда ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ҳунарманд хотин-қизларнинг меҳнат маҳсули намойиш этилди.

Тадбирни ЎзМТДП Шеробод туман кенгаши раиси Бахтиёр Йўлдошев табрик сўзи билан очди.

— Наврўз байрамида қадимий урф-одатларимиз, миллий ўйин ва томошаларимиз бутун жозибаси билан яққол намоён бўлади, — деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўйича етакчи мутахассиси Ҳулкар Хуррамова. — Энг аввало, сумалак тайёрлаш учун дошқозон бошида турган момоларимиз эзгу ниятлар билан дуо қилишади, эл-юртга, оилаларга тинчлик-хотиржамлик, бободеҳқонлар хирмонига файз-барака, бефарзандларга фарзанд тилайдилар. Сумалак тайёрлаш жараёнида фақат эзгу орзу-ниятлар айтилади, халқ лапарлари, куй-қўшиқлари қуйланади. Дошқозон ичидаги ҳар бир тош ўзида минг-минг орзу-ниятларни жамлаб сумалакни етилтиради. Бу қаҳратон қишдан кўкламга етган халқнинг ўзига хос шукронасидир. Бугун партиямиз ташаббуси билан ўтказилаётган Наврўз тантаналарида юртимиз, айниқса, туманимизга хос урф-одат, анъана ва қадриятларни яна бир бор ёдга олдик, навқирон авлод учун намойиш қилдик.

Таъкидланганидек, Наврўзи олам шодиёналари миллий халқ ўйинлари билан янада завқлидир. Бу ўйинлар ўзига хослиги, миллий ва халқчиллиги, барчани бирдамликка чорлаши билан бирга, баркамол авлод тарбиясида ҳам беқиёс аҳамиятга эга. Ушбу шодиёнанинг яна бир эътиборли томони — эзгу қадрият баҳорнинг илк кунларида ўтказиладиган ҳашарларда ҳам яққол намоён бўлади. Зеро, ҳашар — бунёдкорлик, ободлик, орасталик, саломатликдир.

Унда ҳар бир юртдошимиз фаол иштирок этиб, мамлакатимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшишга интилади. Маҳалла ва турар-жойлар, муқаддас зиёратгоҳлар тартибга келтирилади, кўча ва хиёбонларга мевали ва манзарали кўчатлар, турфа гуллар экилади. Улуғ байрам арафасидаги умумхалқ хайрия ҳашари миллати, ирқи, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, юртдошларимиз ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тадбир фольклор-этнографик дасталарнинг халқ оғзаки ижоди намуналаридан тузилган чиқишлари намойиши билан янада байрамона руҳ касб этди.

* * *

Наврўзи оламни мамлакатимизда ҳар йили зўр шодиёна билан нишонлар эканмиз, ҳаётимизга янгича назар соламиз, янги режалар тузиб, бошланажак йилда улкан орзу-ниятлар, мақсадларимизнинг рўёбини тилаймиз. Янги кун — яшариш ва янгиланиш фасли, боқий байрам — Наврўз шу тариқа ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораверади. Инсонларга шодлик-бахт, ризқ-насиба, омад, келажакка умид-ишонч бахш этиб келган, эзгуликларга йўл очган Наврўз айёми барчамизга қутлуғ бўлсин!

Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎзМТДП гуруҳлари ва ташкилотлари ўртасидаги самарали ҳамкорлик

жойларда қонунлар, ҳукумат ва маҳаллий ҳокимликлар қарорлари, Давлат дастурлари ижросини назорат қилиш, партия дастурий мақсадлари рўёби ва электорат манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим восита

Ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари

жойларда унга қандай амал қилинаётгани ҳолати ўрганилмоқда

Тил — миллат кўзгуси, халқнинг тарихий, маънавий-маданий қиёфасини белгиловчи муҳим восита. Авлоддан авлодга ўтиб, сайқал топиб борувчи она тили софлигини сақлаш — ҳар бир даврдаги авлоднинг миллат, халқ ва Ватан олдидаги олий бурчи.

Маълумотларга қараганда, қачонлардир одамлар сўзлашадиган тилларнинг сони 8 мингтагача бўлган. Бугунги кунда сайёрамизда 5 мингга яқин тил ва лаҳжа мавжуд бўлиб, уларнинг 90 фоизи йўқолиб кетиш арафасида турибди. Ҳар бирида йигирма миллиондан ортиқ одам гаплашадиган тилларнинг умумий сони қирққа бормайди. Демак ҳар бир миллат, жумладан, биз учун ҳам ўзбек тилини асраб-авайлаш, унинг софлигини сақлаш — долзарб вазифа. Маҳмуд Қошғарий, Ахмад Югнакий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мутафаккир сиймолар ижодида сайқалланган, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек каби буюк аждодларимиз ҳукмронлиги даврида эътибор-эъзозда бўлган она тилимиз мустабид тузум даврида ижтимоий ҳаётдан сиқиб чиқарилди. Ана шундай мураккаб бир вазият бўлишига, мустабид тузум ҳукмронлигига қарамай Президентимиз ташаббуси билан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиб, ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Истиқлол йилларида эса миллатимизнинг маънавий бойлиги қайта юз очиб, янада сайқалланиб бормоқда. Ўзбек тилининг қўлланилиш доираси кенгайиб, мавқеи юксалмоқда.

Ахборот алмашинуви шиддатли тус олган бугунги замон кўпгина миллий-маънавий бойликлар қатори давлат тилини ҳам асраб-авайлашни, унинг ҳуқуқий асослари ва ижтимоий-сиёсий мавқеини янада кучайтириб боришни тақозо этмоқда. Зеро, баъзи ҳолларда она тилимиз софлиги, жозибадорлигига путур етказаётган жиҳатлар ҳам борки, бундай ҳолатларга эътиборсиз қараш мумкин эмас. Яъни, айрим оммавий ахборот воситаларида ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига амал қилинишида, ташқи ёзувлар — жамоат жойлари, кўча ва бекатлардаги айрим эълон, ёзув ва жой номларида имловий-орфографик хатоларга йўл қўйилаётгани миллат ва юрт тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсонни ташвишга солиши шубҳасиз. Чунки тил софлигини асрашнинг асосий омили — унинг меъёр ва қоидаларига амал қилиш.

Бу ҳақда гап кетганда, Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида алоҳида таъкидланган қуйидаги фикрлар муҳим аҳамият касб этади: "Айни вақтда жамиятимизда тил маданиятини ошириш борасида ҳал кўп иш қилишимиз лозимлигини ҳам унутмаслигимиз зарур. Айниқса, баъзан расмий мулоқотларда ҳам адабий тил қоидаларига риоя қилмаслик, фақат маълум бир ҳудуд доирасида ишлатиладиган шева элементларини қўшиб гапириш ҳолатлари учраб туриши бу масалаларнинг ҳали-ҳануз долзарб бўлиб қолаётганини кўрсатади. Бу ҳақда сўз юритганда, бобомиз Алишер Навоийнинг "Тилга эътиборсиз— элга эътиборсиз" деган сўзларида нақадар чуқур ҳаётий ҳақиқат мужассам эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз".

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси давлат тилини бойитишга кўмаклашиш, тил маданиятини, ўзаро муомала сифатини юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш, оммавий сўзлашувда ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини олишга қаратилган вазифаларни амалга оширишни ўзининг устувор мақсадларидан бири деб билади. ЎзМТДП Марказий кенгаши ушбу дастурий мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда партия ҳудудий ташкилотлари ҳамда гуруҳлари томонидан жойларда ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига амал қилиниши ҳолатини ўрганиш юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Бугунги кунда партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари мазкур режа асосида муайян саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Халқ депутатлари Сирдарё, Наманган, Навоий ҳамда Тошкент вилоятларидаги ЎзМТДП гуруҳларининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишларида "Оммавий жамоат жойлари, ОАВда ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига амал қилиниш ҳолати тўғрисида"ги масала қизғин муҳокама қилинди. Йиғилишларга тегишли ташкилот, корхона ва идоралар масъул ходимлари, экспертлар, мутахассислар таклиф қилиниб, мазкур масала бўйича уларнинг таклифлари, фикр-мулоҳазалари олинди.

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳининг йиғилишида гуруҳ раҳбари Норбобо Соатов она тилимизнинг ўзига хослигини сақлаш, уни бойитишга кўмаклашиш миллий-маънавий тикланиш жараёнининг фаол иштирокчиси бўлган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вакилларининг доимий эътиборида бўлиши лозимлигини таъкидлади. Тилимиз билан боғлиқ жиддий муаммо-масалалар ҳар биримизга дахлдор экани, бу ҳар бир фуқародан эътибор ва масъулият талаб этишини қайд этди.

— Тил миллат ўзлигини, руҳини, унинг тарихи, бугуни ва эртасини намоён этадиган муҳим воситадир, — деди кун тартибидаги масала юзасидан сўз олган партия гуруҳи аъзоси Насим Назаров. — Давлат тилининг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда қўлланилиши, жойлардаги ташқи реклама ва ёзувларнинг, оммавий ахборот воситаларида ёритилаётган маълумотларнинг мазкур соҳани тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мослигини таъминлашимиз лозим. Партия гуруҳимиз мазкур

йўналишда ўрганишлар олиб бориб, камчилик ва муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда маҳаллий Кенгаш сессияси кун тартибига ташаббус сифатида олиб чиқишни режалаштирган. Ана шу мақсадда ташкил этилган бугунги йиғилишимизга масъул ташкилотлар вакилларининг таклиф этилгани айни муддао.

Дарҳақиқат, давр тараққиёти, жадаллик билан одимлаётган ахборот макони, техника ва технологиялар ривожидаги янгиликлар соҳага тегишли ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда ишлашини тақозо этади. Бу эса жамоат жойларидаги ёзувлар, ташқи рекламаларда дуч келинаётган хато ва камчиликлар, миллий менталитетимизга мос бўлмаган дизайндаги тарғибот воситаларининг бартараф этилиши, масъул ташкилотлар ўртасида сансоларликка йўл қўйилмаслигига хизмат қилади. Партия гуруҳи йиғилишида иштирок этган Сирдарё вилоят халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси вилоят бошқаруви, Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбар ва ходимлари оммавий жамоат жойлари, ОАВда ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига амал қилиниши бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, шу билан бирга, соҳа вакиллари учун ҳам тўсиқ бўлаётган айрим масалалар, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан юзага келаётган номутаносибликлар хусусида тўхталиб ўтдилар.

Партия гуруҳи йиғилишида қизғин муҳокама этилган мазкур масала юзасидан қарор қабул қилинди. Унга кўра, йиғилишда билдирилган таклиф-мулоҳазалар умумлаштирилиб, масала янада чуқур ўрганилганидан сўнг халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари сессияси кун тартибига киритилади.

Ҳусан ОТАБОЕВ,
"Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси вилоят бошқаруви бўлим бошлиғи:

— Ўзбек тилининг давлат тили сифатида амалдаги илмий қоидаларига риоя этилишида ютуқлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Хусусан, шаҳарлар кўчаларидаги айрим эълонлар, бекатлар номлари, улардаги бошқа ёзувлар, умуман, ташқи ёзувларда "Давлат тили ҳақида"ги қонун талабларидан четга чиқиш, сўзларни хато ёзиш ҳолатлари мавжуд. Ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиб, тадбиркорлик фаолияти кенгайиб бораётган айни пайтда реклама ва баннерлар тайёрловчи хусусий корхоналар кўпайиб бораётгани, бир томондан ҳаётий эҳтиёж бўлса, иккинчи томондан қувонарли ҳол, албатта. Аммо тайёрланган ташқи рекламалар ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари ҳамда "Реклама тўғрисида"ги қонунга зид бўлмаслиги керак. Бунинг учун ушбу фаолият билан шуғулланувчи хусусий фирма ва тадбиркорлар фаолиятини қонун билан тартибга солиш чораларини кўриш ва назорат қилиш лозим. Бизнингча, реклама тайёрловчи хусусий фирмалар, тадбиркорлар реклама тайёрлаш жараёнида уларни вилоят ҳокимлигининг реклама ахборот фаолияти бўйича комиссиясига тасдиқлатиб олишларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ғайбулло ЮСУПОВ,
Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари:

— Ҳар бир тилнинг умрбоқийлиги шу тил соҳибларининг ундан қанчалар унумли фойдаланишида, уни асраб-авайлашида, миллий тил тараққиёти ва равнақи учун масъулиятни ҳис қилишда акс этади. ЎзМТДП гуруҳи кўтариб чиқаётган ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига амал қилишдаги камчиликларни бартараф этиш борасидаги масала, аввало, долзарб аҳамиятга эга эканлиги билан эътиборга молик. Чунки оммавий жамоат жойларидаги, кўчалардаги ташқи ёзувларнинг имловий-орфографик хатолар билан ёзилиши, жозибадор, аммо сийқа кўринишдаги расмлар, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод савияси, маънавияти ва руҳиятига салбий таъсир қилади. Бундан ташқари, баъзи маиший хизмат кўрсатувчи муассасалар пешлавҳаларида европача кўринишдаги йигит-қизларнинг ярим очиқ ҳолатдаги тасвирлари туширилган рекламалар миллий менталитетимизга ёт, реклама ёзувлари эса адабий тил меъёрларига жавоб бермайди. Ташқи рекламаларда фақат миллий қадриятларимизни, миллий ўзига хослигимизни тарғиб этувчи воситалардан фойдаланиш зарур.

Илҳом РАСУЛОВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлим бошлиғи:

— ЎзМТДП ташкилотлари ва гуруҳлари партия Марказий кенгаши тақдим этган чора-тадбирлар режаси асосида партия сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган муайян саъй-ҳаракатларни изчил амалга оширмоқда. Жумладан, партия гуруҳлари йиғилишларида муҳокама қилинаётган "Оммавий жамоат жойлари, ОАВда ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига амал қилиниш ҳолати тўғрисида"ги масала мутахассислар, масъуллар, жамоатчилик ва электорат вакилларининг қизғин баҳс-мунозараларига сабаб бўлмоқда. Чунки тил масаласи катта-ю кичик ҳар бир инсон, айниқса, ЎзМТДП электорати бўлган зиёлилар қатламига бевосита дахлдор. Шу боис йиғилишларда мазкур масала юзасидан қатор таклиф, фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

Адабий тил меъёр ва қоидаларига амал қилиш ҳолати тўғрисидаги масала бунгача бир нечта маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига олиб чиқилди. Партия гуруҳларимизнинг жойларда ушбу масалани чуқур ўрганиши натижасида тўплаган статистик маълумотлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракциясига тақдим этилади. Бу, ўз навбатида, қонун ижодкорлиги фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Мухтасар айтганда, ЎзМТДП гуруҳлари томонидан жойларда ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига амал қилиниш ҳолати тегишли мутахассислар ҳамда масъуллар билан ҳамкорликда атрофлича ўрганилиши партия дастурий мақсад-вазифаларининг амалдаги ижросини таъминлашга хизмат қилади. Энг муҳими, ўрганишлар асосида соҳа масъулларининг ҳисоботларини эшитиш, сессияларга ташаббус сифатида олиб чиқиш, парламент назоратини йўлга қўйиш бу борадаги камчилик ва хатоларни бартараф этиш, жамоатчилик ҳамда мутасадди вакилларнинг эътибор ва масъулиятини оширишда муҳим ўрин тутади. Яна шуни эътироф этиш керак, партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг ўзаро ҳамкорликда, узвий равишда иш олиб бориши ЎзМТДП сайловолди Платформасидаги устувор вазифалар, электорат ва жамият тараққиётига дахлдор мақсад-ғоялар ижросини таъминлайди.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Таҳлил ва таққос

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократлаштиришга қаратилган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида сиёсий партиялар ва улардан сайланган депутатларнинг ўрни ва роли ортиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида илгари сурилган юя ва фикрлар сиёсий партияларнинг ҳудудий ташкилотлари, айниқса, партия гуруҳларидан янада фаол ва ташаббускор бўлишни, ўз ваколати доирасида электоратни ўйлантираётган масалаларни атрофлича ўрганиш ва ҳал этиш чора-тадбирларини кўришда изчил фаолият олиб боришни талаб қилади.

Депутатлик имтиёз эмас

эл-юртга виждонан хизмат қилиш дегани

Дарҳақиқат, юртимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари зиммасига ҳам катта масъулият юкламоқда. Зеро, юртимизда кечаётган ислоҳотлар самарадорлигида, аҳолининг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги масалаларнинг ҳал этилишида маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Бу борада халқ депутатлари Навоий вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳларининг фаолияти, амалий ишлари қай ҳолатда? Уларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги иштироки бугунги кун талабларига жавоб берадими?

Шу каби саволлар билан партия вилоят кенгаши фаолларига, депутатларимизга мурожаат қилдик.

— Бугун халқ вакиллари зиммасида юксак масъулият билан бирга кенг ваколатлар, улардан самарали фойдаланиб, эл-юрт равнақига муносиб ҳисса қўшиш имкони мавжуд, — дейди **халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Бахтиёр Бозоров**. — Фаолиятимиз давомида партия сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш ҳамда электорат манфаатларини ҳимоя қилишда депутатларнинг имконият ва ваколатларидан унумли фойдаланишга, уларнинг сайловчилар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга ҳаракат қиляпмиз. Жумладан, партиямизнинг мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессияларига ташаббус-масалалар киритиш, фуқаролардан келган мурожаатлар асосида депутатлик сўровларини амалга ошириш, жойлардаги мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш, ҳудудларда муайян Давлат дастурларининг бажарилишини назорат қилиш каби масалалар партия гуруҳимиз аъзолари диқкат-эътиборида.

Айни пайтда халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган 13, туман ва шаҳар Кенгашларида 78, жами — 91 депутат фаолият олиб бормоқда. Маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари 2015 йилда сессиялар ва доимий комиссиялар кун тартибига 10 дан ортиқ ташаббус-масала ва таклифлар киритган. Жумладан, халқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгашининг ўтган йил 1 августда бўлиб ўтган навбатдан ташқари VI сессиясига ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан маҳалла фуқаролар йиғинларида маҳалла гузарларини ташкил этиш масаласи киритилди. Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорга мувофиқ, айни пайтда ҳудудда маҳалла гузарларини ташкил этиш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, Кенгашнинг тўққизинчи сессиясига киритилиб, Президентимизнинг 1998 йил 28 октябрдаги "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракага ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш масаласи ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси асосида қизғин муҳокама этилди ва сессия қарори қабул қилинди. Бундан ташқари, бу борадаги ташаббус-масала 2015 йил давомида халқ депутатлари Кармана ва Хатирчи туманлари Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари томонидан ҳам сессия кун тартибига олиб чиқилиб, қарор қабул қилинишига эришилгани эътиборга молик. Депутатларимизнинг юқоридаги ташаббуслари партия сайловолди Платформасида белгиланган оилалар ҳаётида ҳамон сақланиб қолаётган нохуш ҳолатлар — тўй маросимларини ўта дабдабали қилиб ўтказиш ва исрофгарчиликка асосланган бошқа тадбирларга барҳам беришга қаратилган ишларда фаол иштирок этиш каби мақсад-вазифалар ижросига хизмат қилади.

Халқ депутатлари Нурота туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан "Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланиш ҳолати тўғрисида"ги масала сессия кун тартибига киритилиб, тегишли қарор қабул қилингани ҳам партиянинг ёш авлод вакилларини ҳар томонлама соғлом қилиб тарбиялашга кўмаклашиш борасидаги мақсад-вазифаларига ҳамоҳанг ва уйғун.

Сессиялар кун тартибига ташаббус-масалалар киритиш борасидаги саъй-ҳаракатларни туман ва шаҳарлар кесимида таҳлил қилсак, 2015 йил давомида халқ депутатлари Навбаҳор, Хатирчи, Нурота, Учқудуқ, Кармана туманлари ҳамда Зарафшон шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг фаоллиги кўзга ташланади.

2015 йилда электорат манфатларини ҳимоя қилиш, аҳоли турмуш тарзи билан боғлиқ айрим масалаларни бартараф этиш ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида депутатлар 170 га яқин депутатлик сўровини амалга оширди. Ваҳоланки, 2014 йилда бу кўрсаткич 105 тани ташкил этган эди. Бундан ташқари, ўтган йилда ЎзМТДП гуруҳлари ташаббуси билан 85 таклиф доимий комиссиялар йиғилишларида муҳокама этилиб, турли соҳа ва тармоқлардаги 73 нафар мансабдор шахснинг тегишли ҳисоботлари эшитилган. Бу рақамлар 2014 йил билан қиёсланганда, доимий комиссиялар йиғилишларига олиб чиқилган таклифлар 38 тага, мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш 51 тага ортганига гувоҳ бўлиш мумкин.

— Таъкидлаш жоиз, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги барча депутатимизнинг ҳам ўтган йилдаги фаолиятини қониқарли, деб бўлмайди, — дейди **ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони бош мутахассиси Илҳом Ражабов**. — Буни жойлардаги мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш, фуқаролар мурожаатлари асосида депутатлик сўровларини амалга ошириш, сессияларда партия дастурий мақсадлари ва электорат манфатларидан келиб чиқиб масалалар киритишда сусткашликка йўл қўяётган айрим партия гуруҳларимиз фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, халқ депутатлари Қизилтепа, Томди, Конимех туманлари ва Навоий шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари 2015 йилда бирорта масалани маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига олиб чиқмаган. Шу боис, ўтган йилда айрим депутатлик гуруҳларимиз фаолиятида кузатилган камчиликларни бартараф этиш устувор вазифаларимиз сирасидандир. Амалдаги қонунлар ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлашга кўмаклашиш, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш каби долзарб вазифалар барчамизни янада фаол ва ташаббускор бўлишга ундамоқда. Айни пайтда жойлардаги партия гуруҳларимиз иштирокида Давлат дастури ижросига қаратилган "Соғлом она — соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши", "Маънавиятли, соғлом оила — ёруғ келажак тимсоли", "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур" каби мавзуларда давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини янада ошириш, оилаларда соғлом муҳитни шаклантириш, фарзандларни юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялаш, инсон ҳуқуқлари, манфаат ва эркинликлари ҳақиқий қадрият сифатида қадрланиши — буларнинг барчаси сиёсий партиялар ва улардан сайланган депутатлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Буни ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгашидаги партия фаоллари ва барча даражадаги депутатлар ҳам теран ҳис қилган ҳолда жойлардаги маҳаллий ижроия ҳокимияти устидан самарали жамоатчилик ва депутатлик назоратини ўрнатиши, сессияларга партия дастурий мақсадлари ва ижтимоий қатлами манфаатларидан келиб чиқиб киритилаётган ташаббус-масалаларни янада кўпайтириши лозим. Зеро, депутатлик мақоми, аввало, фаолликни, қатъиятни, эл-юртга виждонан хизмат қилишни талаб этади. Шунингдек, партия ташкилотлари депутатлар билан ҳамкорликни кучайтириши, уларга ўз салоҳияти ва ваколатидан самарали фойдаланишда кўмакдош бўлиши, олдимизга қўйилган мақсадларга эришишда муҳим омил бўлади.

Нуриддин РАЖАБОВ,
ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши матбуот котиби,
Ўралой ТУРДИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
11 (383) 2016 йил 22 март, сешанба

ЎзМТДП ёшлари

Юксак маънавиятли авлод —

мамлакат тараққиётининг ҳал қилувчи кучи

Ёшлар юртимиз келажаги, эртанги кунимиз эгаларидир. Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади. Шунинг учун ҳам юртимизда амалга оширилаётган барча ижобий ўзгаришлар замирида ҳар томонлама баркамол — жисмонан соғлом, ақлан етук, нафақат кўплаб билимларни, ҳозирги даврда талаб катта бўлган касб-ҳунарларни эгаллаган, айни пайтда, мустақил ва ижобий фикрлашга қодир, интеллектуал салоҳияти юксак ёш авлод тўғрисида ғамхўрлик қилишдек устувор мақсад мужассам экани табиийдир. Бунда "фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт", деган эзгу ғоя устувор аҳамият касб этаётир.

Шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги глобаллашув даврида навқирон авлод замонга монанд яшашга, фикрлашга, ахборот-технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланишга интилмоқда. Ёшларимиз барча соҳада кимларнинг авлоди ва нималарга қодир эканини бутун дунёга намоён этаётир. Шу билан бирга, глобаллашув шиддатидан фойдаланган айрим кучлар навқирон авлод маънавиятига рахна солишга, улар онгу шуурига турли ёт иллатлар воситасида таъсир этишга интилаётгани ҳам айни ҳақиқат. Шу боис ёш авлод маънавиятини янада юксалтириш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга нисбатан кучли иммунитетни шакллантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Соғлом она ва бола йилига бағишлаб "Ёшлар маънавиятини юксалтириш ЎзМТДПнинг устувор вазифаларидан биридир" мавзусида ташкил этган семинарда айни шу ҳақда сўз борди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари, партия ҳудудий ташкилотлари "Ёшлар қаноти" етакчилари, мутахассислар, ёш олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Семинарни ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очди.

— Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлоднинг пухта билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топиши йўлида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир, — деди партия етакчиси. — Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Ушбу ҳужжат истиқлол йилларида мамлакатимиз ёшларининг таълим олиши, ҳар жабҳада ўз иқтидорини намоён қилиши, муносиб ҳаёт кечириши учун улкан имконият, ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда навқирон авлодга яратиб берилган кенг имконият ва шароитлар партиямиз ёшлари ҳаётида ҳам ўз аксини топаётир. ЎзМТДП ёшларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бевосита иштирокчисига айланишида партиямизнинг турли лойиҳалари муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Зеро, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланганидек, партиянинг устувор вазифаларидан бири юксак маънавиятли, кенг билимли, эркин фикрлайдиган, ўз қарашларида миллий ғоямизга таянган, ўз хатти-ҳаракати, ҳаёт тарзи билан миллий маънавий қадриятларга, ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғояларига садоқатли ёшларни тарбиялашга кўмаклашишдан иборат.

Семинарда таъкидланганидек, бугунги глобаллашув, тезкор ахборот алмашинуви даврида ёшлар маънавиятини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга. Дунёдаги айрим марказларнинг муайян мамлакатларга нисбатан олиб бораётган ғаразли сиёсати айрим минтақаларда тинч ҳаётнинг издан чиқишига, ҳокимият тепасига айнан ўша марказларнинг манфаатларига хизмат қиладиган кучларнинг келишига олиб келмоқда. Бу борада мисоллар етарлича. Ана шундай вазиятни ҳисобга олиш, ёшларнинг маънавий оламини бундай таҳдидлардан асраш, ҳозирги ўта мураккаб даврда халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига етиб бориш, улар ҳақида холис ва мустақил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир.

Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек, "Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин".

2016 йилнинг юртимизда Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши навқирон авлод келажаги йўлида амалга ошириладиган ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан қабул қилинган "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида, аввало, ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билим ва кенг дунёқарашга эга, мамлакат тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир авлодни тарбиялаш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини ана шу мақсадларга сафарбар этишга доир кенг миқёсли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Биринчи навбатда, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини тартибга солувчи механизмларни такомиллаштиришни назарда тутадиган янги таҳрирдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш устувор вазифа сифатида белгилангани муҳим аҳамиятга эга. Семинарда ЎзМТДП фракцияси аъзолари янги таҳрирда ишлаб чиқиладиган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасида назарда тутилган мақсад-вазифалар мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича тушунча бердилар.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида назарда тутилган асосий мақсад ва вазифаларидан бири — баркамол авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш. Ёшлар масаласи партия фаолиятида муҳим ўрин тутади. Зеро, партия Дастурида белгиланганидек: "Ёшлар — бу мамлакат келажаги, жамиятнинг таянчи ва ажралмас қисми, у табиий равишда катта авлод ўрнига келади". Бугунги кунда партия "Ёшлар қаноти" амалга ошираётган турли сиёсий-маданий тадбирлар, акция ва лойиҳалар, конференция ва форумлар, ўқув-семинарлар орқали ёшлар орасига кириб бориш, уларни бирлаштириш, қўллаб-қувватлаш, навқирон авлодда сиёсий етакчилик ва ташаббускорлик маҳоратини ошириш, соғлом фикр ва онгни шакллантириш, шунингдек, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини бойитиш, дунёқарашини кенгайтириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, сиёсий-ҳуқуқий жараёнлардаги иштирокини таъминлаш, интеллектуал салоҳиятини тўлиқ намоён этишларига кўмаклашиш назарда тутилган.

Ёшларнинг оила ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашига, сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада ошириш, жамиятда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирок этишларига бағишланган тадбирларни ёш маслакдошларимиз ва хайрихоҳлар юқори баҳоламоқда. Буни ўтган давр мобайнида "Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида бирлашайлик!" шиори остидаги ёшлар форуми, "Юртим тарихини ўрганаман" шиори остида "Тарихдан садо бергувчи обод гўшалар" номли ёшлар акцияси, "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби аъзолари ўртасидаги "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида" республика кўрик-танловининг юқори савияда ўтказилишидан ҳамда партия аъзолари орасида ёшлар салмоғининг ортиб бораётганидан ҳам билиш мумкин.

Семинарда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жолдасбай Абдужамиловнинг "Ёшлар маънавиятини юксалтириш — ЎзМТДПнинг доимий диққат- марказида", адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди Зухриддин Исомиддиновнинг "Китобнинг ёшлар маънавиятидаги ўрни", "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси раиси, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи директори Бахтиёр Ҳасановнинг "Тарихдан сабоқ олиб келажакка ишонч билан яшаш масъулияти" каби долзарб мавзудаги маърузалари тингланди. Мавзулар юзасидан мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар, келгусидаги вазифалар ёшлар иштирокида атрофлича муҳокама қилинди.

Семинар якунида ЎзМТДП "Ёшлар қаноти"нинг 2016 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Партия дастурий мақсад-вазифалари ҳамда ғоясини тарғиб қилиш, партия сафига ёшларни кенг жалб этишда фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган қатор партия ҳудудий ташкилотлари "Ёшлар қаноти" етакчилари рағбатлантирилди.

Жамшид РУСТАМОВ,
ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши етакчи мутахассиси:

— Ватанимиз тараққиётининг ҳар бир довони ёшларимиз ҳаёти, уларнинг интилишлари, барча соҳада қўлга киритаётган улкан муваффақиятлари билан чамбарчас боғлиқ. Президентимиз томонидан кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик ёш авлод зиммасига залворли масъулият юклайди. Биз ёшлар ҳам билдирилаётган ишончга муносиб, Ватан равнақи йўлида собитқадам бўлишга интилишимиз лозим. ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" фаолиятида мана шу мақсад асосий мезон сифатида белгиланган. Ўтказаётган тадбирлар, тарғибот ишларимизда ёшларни мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида муносиб иштирок этишга, узоқ ва яқин тарихимиздан теран хулоса чиқаришга, мустақиллик неъматларининг қадрига етишга даъват қиладиган маърузаларни тақдим этмоқдамиз. Бугунги семинарда бу борадаги билим-кўникмаларимизни янада бойитдик.

Орифхўжа МЕЛИЕВ,
ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши етакчи мутахассиси:

— Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий қадриятларимизга ёт ғоялар, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли хуружлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундамоқда. Ёшлар маънавияти ҳақида сўз борар экан, бугун тенгдошларимиз олаётган ахборотлар ҳам бу борада ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини унутмаслигимиз лозим. Ахборот асрида фуқаролар, айниқса, ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи ва глобал тармоқ — Интернетдан фойдаланиш кўрсаткичи ортиб бормоқда. Маълумотларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистонда аҳолининг 15 миллионга яқини Интернетдан фойдаланаётган бўлса, уларнинг 90 фоизи ёшлардир.

Семинарда ёшларни турли салбий ахборотлардан асраш, уларда ахборот олиш маданиятини шакллантириш, "оммавий маданият" хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш, навқирон авлод маънавияти, хулқ-атвори бузилишининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди, бу борада олдимизда турган вазифалар белгиланди. Энг муҳими, бу каби семинарларни барча даражадаги партия ташкилотларида ўтказишга келишиб олдик.

Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ҳудудий ташкилотларда

Айни кунларда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳудудий ташкилотларининг кенгайтирилган йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Уларда ўтган йилдаги фаолият ва жорий йилдаги устувор вазифалар ижроси таҳлил қилинмоқда.

Устувор вазифалар ижроси

партия ҳудудий ташкилотларининг кенгайтирилган йиғилишларида муҳокама қилинмоқда

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси **Бухоро вилоят** кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида партия Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия вилоят кенгаши ходимлари, барча даражадаги партия ташкилотлари раҳбарлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари аъзолари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев маъруза қилди.

— Бугун ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олиш, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда сиёсий партияларнинг роли ва ўрнига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди партия раиси ўринбосари. — Шу ўринда "партиямиз замон талаблари даражасида фаолият олиб бормоқдами?", "мавжуд имкониятлардан фойдалана оляпмизми?" деган ҳақли саволлар туғилиши табиий. Жорий йилда партия ҳудудий ташкилотлари фаолиятини янги босқичга кўтариш, депутатлик бирлашмалари ташаббускорлигини кучайтириш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва партия хайрихоҳлари сафини кенгайтиришнинг энг таъсирчан усулларини излаб топишга қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга ошириш, бу борада аниқ ташаббусларни илгари сурйш фаолиятимиз мезонига айланмоғи лозим.

Кенгайтирилган йиғилишда 2015 йилда амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ва жорий йилдаги вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Жумладан, "Соғлом она ва бола" йили Давлат дастурида чекка туманларда яшовчи аҳоли, биринчи навбатда, хотин-қизлар учун зарур ижтимоий, маиший ва тиббий шароитлар яратиш, қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектлари, хизмат кўрсатиш сифатидаврида 11 таклифни доимий комиссиялар йиғилишларига олиб чиқди. "Чиқиндилар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг вилоятдаги ижросини ўрганиш ҳақидаги ташаббус-масала вилоят сессияси кун тартибига киритилиб, қарор қабул қилинишига эришилди. Партия гуруҳлари ва депутатлар ташаббуси билан 50 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди, 131 депутатлик сўрови амалга оширилди.

Шунингдек, йиғилишда партия фаоллари ва депутатлар йўл қўйган камчиликлар ва фойдаланилмай қолган имкониятларга алоҳида эътибор қаратилди. Вилоятдаги айрим партия ташкилотлари фаоллари ва партия гуруҳлари ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни ҳамда электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва депутатлик назоратини амалга оширишда сусткашликка йўл қўйгани танқид қилиниб, уларга тегишли тавсиялар берилди, аниқ чора-тадбирлар белгиланди. ЎзМТДП ғояси, дастурий мақсадларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, тадбирлар таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, оммавий ахборот воситаларида чиқишларни кўпайтириш, партия гуруҳларининг фаолиятини жонлантириш, уларнинг ташаббускорлигини кучайтириш, ЎзМТДП сафини партиямиз ғояларига содиқ фаол аъзолар билан кенгайтириш, бошланғич партия ташкилотлари фаоллигини ошириш муҳим вазифалардан эканлиги алоҳида таъкидланди.

Партия фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам атрофлича муҳокама этилиб, партия фаоллари бу борадаги фикр-мулоҳазаларини, таклифларини билдирди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

ЎзМТДП **Хоразм вилоят** кенгаши кенгайтирилган йиғилишида партия Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия вилоят кенгаши ҳамда шаҳар ва туманлар ташкилотлари фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари, бошланғич партия ташкилоти етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Унда 2015 йилда амалга оширилган ишлар ва "Соғлом она ва бола" йили Давлат дастури белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ҳудудий партия ташкилоти олдида турган вазифаларга эътибор қаратилди.

— Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири сифатида белгиланди, — деди партия вилоят кенгаши раиси Баҳодир Бобожонов ўз маърузасида. — Ўтган 25 йил давомида миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлиги ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш, соғлом авлод туғилиши ва унинг тарбияси учун барча шароит яратилиши натижасида давлатимиз раҳбари илгари сурган "Соғлом она — соғлом бола" концепцияси халқаро миқёсда эътироф этилмоқда. Бунда, айниқса, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади" деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб ғоянинг амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга.

Айтиш жоиз, ўтган йилда партия ташкилоти ўз фаолиятида муайян натижаларга эришиш билан бирга айрим камчиликларга ҳам йўл қўйди. Шу боис йиғилишда партия вилоят ташкилоти фаолияти танқидий таҳлил этилди. Жумладан, халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар маҳаллий Кенгаш сессияларига ташаббус-масала олиб чиқишда сусткашликка йўл қўйди. Ёшлар билан ишлашда амалга оширилаётган ишлар ҳам талаб даражасида эмас. Туманларда "Ёш сиёсий билимдонлар клуби" номигагина фаолият юритмоқда. Агар мазкур клублар фаолияти тартибга солинса, ёшлар орасида тарғибот тадбирларининг сони, сифати ошиши шубҳасиз.

Шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятида электорат манфаатларига доир ишга солинмаган қатор имкониятлар мавжуд. Депутатлик сўровлари ижросининг аксарияти коммунал хўжаликдаги муаммолар билан чекланиб қолмоқда. Қонунлар, ҳукумат ва маҳаллий ҳокимликлар қарорлари ижроси назорати юзасидан амалга оширилган ишлар эса саноқли. Бундай ҳолат партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида депутатлик назоратини амалга ошириш кўламини кенгайтиришни талаб этади.

Йиғилишда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жуманазар Отажонов сўзга чиқиб, партия фаолиятида депутатлик бирлашмалари ташаббускорлиги муҳим ўрин тутиши, ўтган йилда барча даражадаги депутатлар марказда ва жойларда партия ғоя-мақсадларини тарғиб қилиш, қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳияти билан фуқароларни таништириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган муайян саъй-ҳаракатларни амалга оширганини алоҳида таъкидлади.

Партия вилоят ташкилотининг кенгайтирилган йиғилишида партия фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар сўзга чиқиб, ўтган йилда партия вилоят ташкилоти фаолиятининг барча йўналишида амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар ва жорий Соғлом она ва бола йилидаги устувор вазифалар борасида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Муслима РЎЗИЕВА,
ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби,
Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Комиссия йиғилиши

Давлат грантлари – долзарб лойиҳаларга

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди.

Парламент комиссияси раиси А.Саидов ва бошқалар мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг мустақиллиги таъминланаётгани, улар фаолияти моддий ва молиявий қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади.

2016 йилда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашга 11 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу 2015 йилга нисбатан 10 фоиз кўп демакдир.

Комиссия аъзолари Президентимизнинг шу йил 9 февралдаги қарори билан тасдиқланган "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирок этишини таъминлашга эътибор қаратди. Бу йўналишда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқаришга кўмаклашиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, халқимизнинг маданий меросини оммалаштириш, жамиятда миллатлараро ва конфессиялараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳалар учун давлат ижтимоий буюртмаси шаклида 2,3 миллиард сўмлик маблағ ажратилди.

Ушбу лойиҳалар доирасида туғма ва ирсий касалликларни аниқлаш, эрта никоҳ ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларидан огоҳлантиришга қаратилган ахборот ва маърифий материаллар, теледастурлар тайёрланади. Кам таъминланган оилаларнинг туғма юрак нуқсони бор фарзандларига, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ижтимоий, руҳий-педагогик, ҳуқуқий ва маърифий ёрдам кўрсатиш учун қўшимча шарт-шароит яратилади.

Парламент комиссияси аъзолари ахборот хавфсизлиги соҳасида кадрлар тайёрлаш, иқтидорли ва ташаббускор мутахассисларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича миллий тизимни янада ривожлантиришга кўмаклашиш, ёшларнинг интеллектуал ва инновацион салоҳиятини оширишга йўналтирилган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Семинар

Электрон ҳукумат тизими

қулай, тежамкор ва ишончли

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари тараққий этиши натижасида турмуш тарзимизга қулай, тежамкор ва ишончли яна бир имконият — "электрон ҳукумат" тизими кириб келди. Бу тизим жаҳон амалиётида ўзининг афзалликларини намоён этиб улгурган.

Президентимиз 2015 йил 9 декабрда имзолаган "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун "электрон ҳукумат" тизимини мамлакатимизда шакллантириш йўналишидаги ишларни янги босқичга кўтарди, ахборотлаштириш соҳасини ривожлантиришда муҳим босқич бўлмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамкорлигида "Электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатли орган фаолиятини ташкил этишнинг долзарб масалалари" мавзусида ташкил этилган семинарда шу ҳақда сўз борди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги масъул ходимлари, қўмита ҳузуридаги эксперт гуруҳи аъзолари, "электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институти вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Семинарни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Илҳом Абдуллаев кириш сўзи билан очди.

— Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори билан тасдиқланган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури "электрон ҳукумат" тизимини шакллантириш ва кенг қўллашга қаратилган муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлди, — деди қўмита раиси. — Дастур аҳолининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатини электрон шаклда амалга оширишни таъминлаш, давлат бошқаруви тизимида "ягона ойна" принципини жорий этиш каби вазифаларни ҳал этишни ўз ичига олади. "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун жамиятимизда идораларо ва фуқаролар, тадбиркорлар ўртасидаги электрон муносабатларнинг ривожланишида, ахборотлаштириш соҳасида янги босқичини бошлаб беради.

Семинарда сўз олганлар "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун мамлакатимизда "электрон ҳукумат" тизимини жорий қилиш ва ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини аниқ ифодалаб берувчи меъёрий ҳужжат эканини таъкидладилар. Уни амалга татбиқ этиш давлат органларининг фаол иштирокини талаб этади. Сабаби, давлат органлари "электрон ҳукумат" соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириб, мазкур йўналишдаги дастурларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этишлари белгилаб берилган.

Семинарда халқаро тажриба ва жаҳон амалиётида "электрон ҳукумат"га оид қонунчиликнинг амалда татбиқ қилиниши, ҳужжат мазмун-моҳиятини фуқаролар ўртасида тарғиб қилишнинг услубий ва техник тавсиялари юзасидан маълумотлар берилди. Шунингдек, "электрон ҳукумат" тизимини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг устувор вазифалари" ва электрон ҳукуматнинг идораларо маълумотлар узатиш тармоғининг ривожланиш истиқболлари бўйича тегишли масъулларнинг маърузалари тингланди. Депутатлар ва бошқа иштирокчилар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, вазирлик вакилларидан ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

Марҳабо ҒАФУРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Мухтасар айтганда, "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун билан электрон давлат хизматларини кўрсатишга қўйиладиган талаблар аниқ белгилаб берилди. Мазкур семинарда "электрон ҳукумат" инфратузилмаси, соҳадаги давлат бошқаруви, давлат органларининг "электрон ҳукумат" тизими доирасидаги ўзаро ҳамкорлигига оид муносабатларни тартибга солиш борасида тегишли тушунча ва тавсиялар берилди.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Таълим

Буюк аждодларга муносиб авлод

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан истиқлол йилларида буюк аждодларимизнинг номлари тикланди. Уларнинг ҳаёти ва бебаҳо меросини ўрганиш, қадамжоларни обод этиш ва асарб-авайлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, инсоният ривожига катта туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди. Бунинг учун аввало, асрий анъаналар, тегишли шарт-шароит, тафаккур мактаби, маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлмоғи керак. Бу барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлаши билан бирга, айни пайтда олдимизга янги-янги вазифалар қўяди. Бу эса устоз-шогирд тизимини юқори босқичга кўтариш, ёш олимлар ва иқтидорли талабаларни янада кўпроқ тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқ.

Бу борада Бухоро давлат университетида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Университетда математика, физика, химия, биология ва тупроқшунослик, тарих, фалсафа, педагогика, тилшунослик, адабиётшунослик, фольклоршунослик, психология фанларидан йиллар давомида илмий мактаблар шаклланиб келган. Эришилган ютуқлар нафақат республикамиз, балки дунё миқёсида ҳам эътироф этилган.

Университетда ўқув-илмий мажмуа ташкил этилгани бу борадаги ютуқлар салмоғи янада ошишига замин яратмоқда. Бунда асосий мақсад — илмий мактабларни сақлаб қолиш, янгидан тиклаш ва фаолиятини янада кучайтириш. Бу фан, таълим ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, илмий-тадқиқот натижаларини иқтисодиётга кенг жорий этиш, қолаверса, ёшларнинг назарий билимларини амалиётга татбиқ этишда жуда муҳим.

Университет хориждаги етакчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатган. Масалан, Испаниянинг Валенсия политехника университети олимлари билан ҳамкорликда туризм йўналишида қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш йўлга қўйилди. Ёш ўқитувчиларимиздан уч нафари Италия университетларида докторантура босқичида илмий изланиш олиб бормоқда. Буюк Британия қушларни муҳофаза қилиш қироллик жамияти, "BirdLife International" халқаро жамияти, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамкорлигида қушларни ўрганиш соҳасида эътиборга молик илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида ўзбек-немис ва немис-ўзбек луғати тайёрланмоқда. Луғат 100 мингдан ортиқ атамани ўз ичига олади.

Ўтган йили "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури" ижроси юзасидан "Интеллектуал ёшлар — фан ва таълим" мавзусида ёш олимларнинг семинар-учрашуви ўтказилди. Университетда "XXI аср — интеллектуал авлод асри" шиори остида ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг республика илмий-амалий анжумани ташкил қилинди. Унда 2014 йилда ёш олимимиз, доцент Хусниддин Жўраев табиий фанлар йўналиши бўйича, 2015 йилда физика-математика факультети битирувчиси Самандар Ибрагимов аниқ фанлар йўналиши бўйича 1-ўринни қўлга киритди.

Университетда илмий анжуманларни ўтказиш ва унга иқтидорли ёшларни жалб этиш анъанага айланган. 2015 йилда университетда ўндан ортиқ халқаро ва республика илмий-амалий семинарлари, анжуманлар ташкил этилди. Мақсад, аввало, ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашда илм-фаннинг ролини ва ўрнини кучайтиришдир.

Университетда яратилган илмий-тадқиқот ишларидан 40 дан зиёди корхона, ташкилот, фермерларга тарқатилди. Республика Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида ўндан ортиқ, жами 200 миллион сўмлик шартномалар имзоланди.

Ўтган йили университет илмий ходимлари 6 патентни қўлга киритди, 5 патент лойиҳаси тайёрланиб, Давлат патент идорасига топширилди. Шунингдек, 7 дарслик, 16 ўқув қўлланма, 15 монография, мингдан зиёд илмий мақола ва тезислар мамлакатимиз ва хориждаги нуфузли илмий журналларда, конференция материаллари ва тўпламларида чоп этилди.

Ҳозирда университет ёш олимлари томонидан муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, тупроқшунослик ва ер коррозияси муаммолари, композицион материаллар яратиш, филология (тилшунослик, адабиётшунослик ва фольклоршунослик) муаммолари, Ўзбекистон тарихи ва манбашунослиги, Шарқ фалсафаси тарихининг долзарб муаммолари, қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини яратиш, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича миллий дастурлар яратиш, балиқ маҳсулдорлигини оширишда микроскопик ва юксак сув ўсимликларидан фойдаланиш ҳамда оқава сувларни биотехнологик усул билан тозалаш каби йўналишлар бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

"Ахборот технологиялари" кафедрасида профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирокида ўқув жараёни ва ҳужжатлар ижроси назоратининг автоматлаштирилган электрон тизимлари йўлга қўйилди. Шу мақсадда кафедра қошида дастурий муҳандислик лабораторияси ташкил қилинди. Унинг асосий илмий йўналишлари доирасида ўқув-ахборот жараёнларини қўллаб-қувватлайдиган тизим — BUIS (Bukhara state University Information System – Бухоро давлат университети информацион тизими) функционал имкониятларини ошириш ва такомиллаштириш; модулли тамойил асосида ўқув дастурлари ва материаллари тайёрлашни қўллаб-қувватлайдиган дастурий тизим — LMS Moodle (Learning management System Modular Object oriented dynamic learning environmenm — Модулли объектга мўлжалланган динамик таълимни бошқариш муҳити) функционал имкониятларини кенгайтириш ва қулайлигини ошириш кўзда тутилган. Бунда университетда кечадиган ҳужжат алмашиш ва мониторинг жараёнини самарали ташкил этишга қаратилган дастурий тизим – CuteFlow функционал имкониятларини кенгайтириш ва қулайлигини ошириш ҳам кўзда тутилган.

2015 йилда университет агротоморқасида селекционер олимлар ҳамкорлигида ўрта толали ғўзанинг серҳосил, юқори сифатли, тезпишар, барча ноқулай шароитга бардошли, жаҳон бозори талабларига тўла жавоб бера оладиган навларини яратиш мақсадида 22 хил коллекция ташкил этилди. Келгусида кўзда тутилган режага эришиш учун улар орасидан 10 нав саралаб олинди, ўзаро чатиштириш орқали биринчи авлодли дурагай комбинациялар барпо қилинди. Бу каби тажриба тадқиқотлар ғўзанинг "Бухоро – 6⊠10", "Жондор қудрати", "Порлоқ" навларини инобатга олган ҳолда яна кенгайтирилади.

Маълумки, иқлим ўзгариши, айниқса, чўлланиш жараёнининг кучайиши, ёғингарчилик миқдори ва муддатлари ўзгариши, чучук сув муаммоси, тупроқ таркибининг ўзгариши, ўсимлик ва ҳайвонот олами учун табиий яшаш шароитларининг бузилиши ҳайвонот ва наботот оламининг айрим турлари камайишига олиб келмоқда. Айни пайтда университетда вилоятнинг бошқа олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда "Бухоро минтақаси барқарор ривожланишининг экологик муаммолари ва уларни илмий-техникавий, амалий ҳал қилиш йўллари" мавзусида комплекс илмий-амалий лойиҳа тайёрланмоқда.

Келгусида ёшлар учун илм-фан ва иқтисодиётнинг турли йўналишларида янги технологияларни, масалан, кимё, физика ва биологияда, композицион материалларда нанотехнологияни, гелиотехнологияни ривожлантиришга асосий эътибор қаратилмоқда. Дастурий маҳсулотлар индустриясини барпо этиш учун малакали дастурчилар, дизайнерлар, иқтидорли талабалар ва мутахассисларни жалб қилиш — доимий эътиборда.

Буларнинг барчаси мавжуд илмий мактаблар фаолиятини ҳар томонлама тарғиб қилиш, илм-фанга истеъдодли ёшларни кенг жалб этиш билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, илм-фан ва инновациянинг ҳаётимиздаги аҳамияти ошса, турмушимиз обод ва фаровон, мустақиллигимиз янада мустаҳкам бўлади.

Абдуқобул ТЎЛАГАНОВ,
Бухоро давлат университети ректори, профессор, халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат

Қадрият

Миллий ўйинларимиз — бебаҳо бойлигимиз

унинг замирида ёруғ ният, эзгу орзу ва мақсадлар мужассам

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида миллий ўзликни англаш, бебаҳо қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш жараёнида Наврўз байрами мутлақо янги маъно-мазмун билан бойиди. Унинг замиридаги эзгу анъаналарни халқимиз, айниқса, ёш авлодга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу — бежиз эмас. Негаки, Наврўз — шу муқаддас заминда ўзига хос маданиятни бунёд этган зукко аждодларимизнинг янгиланиш ва бунёдкорлик салоҳияти кўзгуси, турмуш тарзи ифодасидир.

Бу қадим қадриятлар байрами ёшларни табиат билан уйғун яшаш, юксак ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, бунёдкорлик, дўстлик, меҳр-оқибат, эзгулик, адолат, тинчлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. У билан боғлиқ удум ва маросимларнинг барчаси эзгу мақсадларга йўғрилган. Баҳор келиши билан олам янгиланади, табиат уйғонади, унга мос инсон борлиғида жўшқинлик ва ғайрат жўш уради. Айниқса, болалар учун кўкламнинг келиши чинакам байрам — завқи бўлакча. Миллий ўйинларимизнинг аксарияти кўклам билан боғлиқлигининг сабаби ҳам шу: олам ва одам руҳида уйғунлашади.

Наврўз тантаналари, айниқса, қишлоқларда бутунлай ўзгача руҳда ўтади: карнай-сурнай овози атрофни тутган, ям-яшил ўтлоққа бурканган адир қўйнида сумалак учун тараддуд кўрилмоқда... Ўчоқ қазиш, ўтин тайёрлаш жараёнида ҳам болаларнинг эпчиллиги, куч-қуввати, маҳорати синовдан ўтади. Катталардан бири: "Қани шаввозлар, бир куч синашмаймизми", дейиши билан мусобақа бошланиб кетади. Ёки бир тўп болаларнинг ўртасига соврин қўйилиб, "ким олади-ё, шугинани-ё" ўйини бошлаб юборилади. Буёкда чиллак, қулоқчўзма, "оқ теракми — кўк терак"... Миллий ўйинлар томошабин кайфиятига кўтаринкилик бағишлайди. Атрофни қийқириқ, олқишлар тутиб кетади...

Бугунги кунда юртимизда халқ ўйинларининг мингга яқин тури мавжуд. Улардан мамлакатимиз таълим тизимида, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашда кенг фойдаланилмоқда. Асосан, Наврўз арафасида ўйналадиган миллий ўйинларимиз ҳам кўп. Уларнинг айримлари ёшларни жисмонан соғлом, бақувват, эпчил этиб тарбиялашга хизмат қилса, бошқаси топқирликка ўргатади. Масалан, ўғил болалар "чиллак", "тортишмачоқ", "минди" каби ўйинларни яхши кўрса, қизлар "супур-супур", "оқ теракми, кўк терак", "ҳаппак тош" ўйинларига қизиқади. Бундай ўйинлар ҳар бир маҳалла, овул, қишлоқ, даҳа ёхуд туманда турлича ташкил этилади: қишлоқдаги ўйин шаҳарга ёки бир маҳалладаги ўйин иккинчисидан фарқланиши мумкин. Аммо ҳар бир ўйин қандай шаклда бўлмасин, албатта, инсон камолотига қаратилган. Демак, Наврўз маънавият, қадриятлар, урф-одат, анъаналар, меҳнат, шодлик, саломатлик байрами бўлиш билан бирга халқ одобномасининг гўзал ифодаси ҳамдир.

Бу каби миллий ўйинлар Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида, айниқса, кенг оммалашган. Масалан, Деҳқонобод қир-адирларида бўлиб ўтадиган миллий спорт беллашувларига чор-атрофдан ёш-яланглар йиғилади. Давранинг тўрида ўтирган нуронийлар эса уни завқланиб томоша қилади.

— Миллий ўйинлар бўйича минтақавий ва республика фестиваллари ўтказилаётгани янада қувонарлидир, — дейди Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги 9-умумтаълим ўрта мактаби ўқитувчиси Замира Аминова. — Чунки улар ёшларни халқимизнинг қадимий анъаналарига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Бундай мусобақаларни ўтказишдан мақсад — халқ ўйинларини оммалаштириш, бу беллашувлар замирида мужассамлашган ўзаро ҳурмат, самимийлик, мардлик туйғуларини намоён қилишдан иборат.

Мухтасар айтганда, миллий қадриятларимизнинг тикланиши туфайли Наврўз умумхалқ байрами ўзининг теран моҳияти ва чуқур фалсафаси, яшариш ва янгиланиш палласи, шарқона янги йилнинг дебочаси сифатида ҳаётимиздан яна мустаҳкам ўрин эгаллади. Давлатимиз раҳбарининг "2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорида ҳам ушбу миллий байрамнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири, инсоннинг табиат билан ҳамоҳанг ва уйғун бўлиб яшаши, жойларда ўтадиган тадбирларда урф-одат, анъана ҳамда қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш борасида муҳим вазифалар белгиланган. Зеро, Наврўзда инсон ва олам яхлитлиги тараннум этилади, табиат ҳақида қўшиқлар куйланади, лапарлар, ўланлар ижро этилади, миллий ўйинлар ўйналади. Буларнинг барчаси жамиятимизда меҳр-оқибат, дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Наврўз байрами одамларни бағрикенгликка, ўзаро ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлиб яшашга, бирдамликка ундайди. Дилларимизда эзгу туйғуларни уйғотади, инсон қалби ва табиатда яшариш, янгиланиш мавсумини бошлаб беради, ўзаро меҳр-муҳаббат, саховат, яхшиликни тараннум этади. Унинг билан боғлиқ удум ва ўйинлар эзгу орзу ва мақсадлар билан лиммо-лим. Шу боис ҳам Наврўз байрами умрбоқий шодиёна сифатида халқимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин олиб, асрлар оша яшаб келмоқда.

Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
11 (383) 2016 йил 22 март, сешанба

Айём

Эзгулик муждаси, яшариш палласи

Баҳорни соғинмайдиган одам бўлмаса керак. Чунки кўклам — олам ва одамга илиқлик, дилларга тиниқлик олиб келади. Қуёш чарақлаб кўнгилларни ёриштиради. Табиат уйғониб, атроф гўзалликка бурканади. Қушлар чуғури жилғалар овозига жўр бўлади. Майин шаббода гулларнинг тотини олиб қочади. Баҳор севимли ва ардоқли байрамимиз Наврўзни бошлаб келади.

Давлатимиз раҳбарининг "2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, юртимизнинг барча ҳудудида бу айёмга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилди. Халқимиз бу кунни янги муваффақиятлар ва умидлар билан кутиб олаётир. Шундай фаровон кунларга, байрамларга етганига шукроналар айтиб, хурсандчилик қилмоқда.

... Ишдан қайтаётгандим, маҳалла гузарида одамлар тўпланиб турганига кўзим тушди. Хотин-қизларнинг қўлида супурги, йигитларнинг қўлларида ёрилган ўтин. Кексалар чорпояда чордона қуриб, мириқиб суҳбатлашишмоқда. Беихтиёр юзимга табассум югурди.

Тезгина енг шимариб ошхонага йўл олдим. Ахир бугун "Қозон тўлди" қилинадиган кунку! Ҳар ким истаган таомини тайёрлаб эл олдига қўяди.

Бу удум 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси ўтказилади. "Қозон тўлди" байрамнинг бошланиши бўлиб, бунда сумалак, ҳалим ва бошқа байрам таомлари тайёрланади. "Наврўз"нинг ана шундай тароватли удумлари-ю анъаналари яхшида.

Наврўз тарихига назар ташласак, турлича талқинларга дуч келамиз. Адабиётлардаги маълумотларга кўра, бу байрам билан боғлиқ турли афсона-ривоятлар мавжуд. Уларни бир-бирига боғлаб турадиган тизим замирида "янги кун"нинг бошланиши ётади.

Бу умумхалқ байрамининг қачон пайдо бўлгани ҳақида турли қарашлар мавжуд. Атоқли олим Ҳоди Зариф ўз асарида "Наврўз"нинг ёшини уч минг йил, балки ундан ҳам зиёдроқ деб баҳолайди. Бундай хулосага етарлича асос бор. Аждодларимизнинг асрлар оша сақланиб келаётган нодир асарларида ҳам бу байрамнинг қандай нишонланиши ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.

Абу Райҳон Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" китобида Наврўзни шундай таърифлайди: "Наврўз... баҳорда келадиган бўлди. Энди бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунча, ҳайвонларда то насл вужудга келгунича ва ўсимлик униб бошлашидан такомиллашгунича давом этадиган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган". Улуғ бобомиз неча юз йиллик тарихга эга қадимги аждодларимиз ўтмишини тадқиқ қилганида битган бу сатрларни. Мана, неча асрлар ўтса ҳамки, Наврўзнинг моҳияти ўзгармади, аксинча аҳамияти ва қадр-қиммати тобора ошмоқда.

Қадим-қадимдан кўклам келиши билан инсонлар "илик узилди" кунларнинг поёнига етганига шукроналар келтириб, турли халқ байрамлари ташкил қилган: ҳашарлар ўтказган, дарахтлар ўтқазган, кўча юзларини тозалаб, ободонлаштирган. Ҳар турли кўклам неъматлари алоҳида ташкил қилинган майдонларда олиб чиқиб сотилган. Ундан тушган маблағ ўша ҳудуд учун сарфланган: кўприклар, мактаблар бунёд этилган, ёрдамга муҳтожлар қўллаб-қувватланган. Эътиборлиси, уларнинг ҳеч бири мажбуран эмас, ҳар кимнинг ўз хоҳиш-истаги билан амалга оширилган.

Айёмни халқимиз ҳар йили кўтаринки руҳда, катта шодиёна билан нишонлайди. Осмон варраклар ва болалар қийқириғига тўлади. Қизлар қошида ўсма, бошида гулчамбару толпуклар. Айниқса, арғимчоқ Наврўзда ўтказиладиган қиз-жувонларнинг энг севимли ўйинларидан. Наврўз сайлига чиққанларнинг ўрик, тут, олма каби дарахтларнинг шохига боғлаб олган ҳалинчаги ҳавода тебраниши билан кўнгилларда ҳам енгиллик уйғонади. Момоларимиз шунинг учун ҳам "арғимчоқ учган инсоннинг йил давомида билиб-билмай қилган гуноҳлари тўкилармиш, дейди. Бу билан одамлар қалбидаги ғуборлар ҳам тўкилишига ишонишган.

Истиқлол йилларида Наврўз мазмунан ва шаклан бойиди. Давлатимиз раҳбари мустақиллик арафасида ўзликни англаш, миллий қадриятларимизни тиклаш ва давом эттириш, жамиятимизда дўстлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратади. Ана шундай халқчил сиёсат самараси ўлароқ 1990 йилдан 21 март юртимизда Наврўз умумхалқ байрами сифатида кенг тантана қилиб келинаётир. Бу борадаги қарорнинг қабул қилиниши юртдошларимиз ҳаётида унутилмас воқеа бўлганини қайд этиш лозим. Бу Наврўзнинг ҳаётимизга, қалбимизга, халқимизга қайтган куни бўлди.

Наврўз байрамини Наврўз таомларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Байрамнинг шоҳона таоми — сумалак ҳам ўзига хос тарихга эга. Бир ривоятда айтилишича, деҳқон баҳор келиши билан уруғликка олиб қўйган донни қозонга солиб ивитиб қўйибди. Лекин ҳаво бирдан бузилиб, ёмғир ёға бошлабди. Орадан бир неча кун ўтишига қарамай, об-ҳавонинг "қовоғи" очилмас эмиш. Бу орада буғдой ниш отиб, ўсиб кетибди. Деҳқон доннинг увол бўлганини кўриб, ичи ачибди. Кампирига ундан бирор таом тайёрлашни сўрабди. Кампири аввалига ҳайрон бўлибди. Униб чиққан буғдойдан нима тайёрлашга роса боши қотибди. Охири ҳамасини қоришириб қозонга солибди-да, сув солиб узоқ қайнатибди. Қозоннинг қопқоғини ёпиб, ухлаб қолибди.

Тонг отиши билан эса атрофга ажойиб ҳид таралибди. Чол-кампир қозоннинг оғзини очиб қарашса, ажойиб қиёмсифат таом тайёр бўлган экан. Шундан бошлаб ҳар йили ана шундай таом тайёрлаш одат тусини олган экан...

Энди Наврўз умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. У билан боғлиқ удумлар ҳам кенгайди. Сумалак сайли, боғ сайли, ҳалинчак базми, кўпкари ва курашлар унга улуғворлик ва салобат бахш этиб келмоқда.

Халқ оғзаки ижодида ҳам, фольклор йўналишларида ҳам, бахшилар асарларида ҳам Наврўз тез-тез тилга олинади:

Келса йилбоши — Наврўз,
Олам гулистон бўлғуси,
Осмондан еру заминга,
Оби раҳмат ёғғуси.

Маълумотларга қараганда, Наврўз байрами авваллари бир неча кун нишонланган. У Шарқ халқларининг муштарак байрами ҳисобланади. Бугунги кунга келиб Наврўз халқимизнинг эстетик дидига мос равишда ўзгариб, бугунги кўринишини топди. Уни авайлаб-асраб, келгуси авлодларга етказиш бизга боболардан мерос қадрият. Улуғ анъаналар ҳамиша тинч юртнинг фаровонлигига, осойишталик, байрамларига шукуҳ қўшади.

...Ошхонани баҳорнинг тансиқ неъмати — кўк сомсанинг ҳиди тутди. Маҳалла гузарига чиқар эканман, давранинг бир томонидан лапарнинг шўх оҳанглари янграётган бўлса, яна бир томонда болажонларнинг шўх-шодон кулгуси дилга хуш ёқади: қувонасан, кўнглинг хотиржам бўлади. Фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол улғайиши давлатимизнинг доимий эътиборида эканлигини навқирон йигит-қизларимиз тимсолида кўрамиз. Президентимиз ташаббуси билан 2016 йилнинг Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилингани ҳам фарзандларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, уларнинг бахту-саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялашдек асрий эзгу орзуларимиз ифодасидир.

Ярим тунга қадар вақт қандай ўтгани ҳам билинмади. Эрта саҳардан сумалакнинг ҳеч қаердан топиб бўлмайдиган исини туйишим билан кўнглимдан шукроналик ҳисси тошади. Катта қувонч,эзгу мақсадлар билан пешвоз чиқаётганимиз Соғлом она ва бола йили баҳори қутлуғ бўлсин! Тинчлигимизга, фаровонлигимизга кўз тегмасин!

Ҳаёт абадийлигининг тантанаси бўлган Наврўзи олам авлоддан-авлодларга қувонч улашаверсин! Миллий қадриятларимиз жаҳон халқларининг ҳавасини келтираверсин, дейман ғурур ва ифтихор ила!

Камола ТОШПЎЛАТОВА,
ЎзМТДП "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси кенгаши раиси

Бугуннинг гапи

Бугун ҳаётимизни Интернетсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ахборот технологиялари туфайли узоғимиз яқин, мушкулимиз осон бўлмоқда. Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидланганидек, жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди.

Ёшлар қалбини асранг!

Навоий вилояти ёшлари ҳам юртимизда яратилаётган кенг шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, улкан ютуқ ва марраларга эришаётгани барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди. Аммо, баъзи ёшларнинг бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолаётгани ҳам бор гап.

Бир мисол, аъло баҳоларга ўқийдиган, одоб-ахлоқи бошқаларга намуна бўладиган ўқувчимнинг баҳолари бирдан пасайиб, ўртоқларига ҳам қўшилмай қўйди. Мактаб раҳбарияти бунга ойдинлик киритиш учун малакали психологлар, маҳалла оқсоқоллари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари иштирокида аввал ўқувчим кейин унинг ота-онаси билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашди. Аниқланишича, ўқувчим вақтини кўпроқ турли ижтимоий тармоқларда ўтказаётган экан. Унга ва ота-онасига Интернетдан фойдаланиш борасида тушунтиришлар берилди...

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазмунан саёз ва турли зарарли одатларни тарғиб этувчи фильмлар, ёшлар тарбиясига салбий таъсир қилувчи ахборотлар, уларда кашандалик ва ичкиликбозлик сингари инсон саломатлиги учун ўта зарарли одатларнинг ортишига олиб келади. Зўравонлик, фаҳш ва шафқатсизлик акс этган компьютер ўйинлари билан машғул бўлиш айрим ёшларнинг тарбиясига, турмуш тарзи ва маданиятига, ниҳоят соғлом ҳаётига салбий таъсир кўрсатади. Жангари ўйинлар болаларни баджаҳл, шафқатсиз қилиб қўяди, ҳиссиётларга эрк беришдек салбий ҳолатларга олиб келади.

Ёшларимизнинг Интернетдаги турли ижтимоий тармоқлар таъсирига тушиб қолмасликлари учун уларни ZiyoNET тармоғига йўналтирганмиз. Мазкур тармоқда ёшларни ўз фикрига эга, турли мафкуравий хуружларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган маълумотлар етарлича. Ушбу материаллардан ўқувчилар, ота-оналар, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари ҳам кенг фойдаланишлари мақсадга мувофиқ.

Ўқувчиларимизни биринчи синфлигидаёқ касб-ҳунарга йўналтиришга ҳаракат қиламиз. Мактабимиз раҳбари Ойтош Жиянова ҳар бир фан ўқитувчисига ўтаётган мавзуни тушунтиришда уни ҳаёт билан боғлаш, қайси касб эгалари мазкур мавзудаги маълумотлар асосида ишлашини айтиб ўтади. Мактабнинг маънавий-маърифий ишлар йўналиши мутахассиси эса ўқув йили мобайнида мунтазам равишда битирувчи ўқувчиларнинг касб-ҳунарга лаёқати ва қизиқишларини ўрганиш учун сўровномалар ўтказмоқда. Натижада, ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятлари алоҳида ўрганиб чиқилиб, керакли тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилади.

Таълим масканида анъанавий ташкил этилаётган касблар марафонининг ҳам ўз ўрни бор. Унда барча синф ўқувчиларига турли касбларга оид маълумотлар, жумладан, миллий ҳунармандчилик, ошпазлик, қишлоқ хўжалиги ва тиббий йўналишларда тайёрланган кўргазмалар намойиш этилади. Таклиф этилган ота-оналар, маҳалла фаоллари, касб-ҳунар коллежлари вакиллари ҳамда ўқувчилар ўртасидаги қизиқарли савол-жавоблар шу қадар мароқли кечадики, бундай тадбирлар нафақат ўқувчиларни касбга йўналтиришга, балки уларни теран фикрлаш ва тафаккурини бойитишда ҳам яхши самара бермоқда. Ёшларимизни миллий қадриятлар, дунёвий билимлар воситасида тарбиялаш, уларда ватанпарварлик, она юртимизга садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳар биримизнинг муқаддас вазифамиздир.

Гулшан САТТОРОВА,
Навоий шаҳридаги 17-умумтаълим мактабининг тарих ва ҳуқуқ фани ўқитувчиси

Реклама ўрнида

"Микрокредитбанк" молиявий кўмаги

янги истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда

MIKROKREDITBANK

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида тадбиркорлик субъектларига яратиб берилаётган шарт-шароитлар аҳоли даромади ва турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётир. Жорий йилда бу борадаги саъй-ҳаракатлар қамрови янада кенгаймоқда. Яқинда Президентимиз тасдиқлаган "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш учун ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, бунёдкорлик ишларини жадаллаштириш, чекка ҳудудларда сервис ҳамда маиший хизмат кўрсатиш объектларини фойдаланишга топшириш каби кўплаб устувор вазифалар белгилаб берилди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, хусусан, янги иш бошлаган кичик бизнес вакилларига имтиёзли банк кредитлари ажратиш ҳам доимий эътиборда. Мижозларга юқори савияда хизмат кўрсатиб, обрў-эътибор қозонаётган банклар қаторида "Микрокредитбанк"АТБнинг муносиб ўрни бор. Мазкур молия муассасаси иқтисодий ислоҳотлар жараёнига сезиларли улуш қўшиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга микросармоялар ажратиш, хусусан, соҳа инфратузилмаси ҳамда базавий тармоқларини ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда. Бу, юртимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилашга, аҳолининг кам таъминланган қисмига кўмак бериш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллик даражасини оширишга, пировардида, янги иш ўринлари ташкил этишга хизмат қилмоқда.

— Юртимизда кичик бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорлар учун қатор имкониятлар яратилмоқда, — дейди Ромитан туманидаги "Муҳаммад Амин ширин нон" МЧЖ раҳбари Амин Неъматов. — Ҳозирги кунда тадбиркорлар ўртасида кучли рақобат пайдо бўлган. Буни ҳар бир ишбилармон чуқур ҳис қилган ҳолда, бозорни ўрганиб, ишни пухта режа асосида ташкил этиб, ўз ўрнини топмоқда.

Масалан, корхонамиз уч турдаги нон ва нон маҳсулотларини аҳоли дастурхонига етказиб беради. Бугун маҳсулотларимиз сифати ва бозорбоп нархларда сотилаётганлиги харидорлар сафининг кундан-кун кенгайишига хизмат қилмоқда. Бу жараёнда истиқболдаги режамизни амалга ошириш нияти туғилди. Корхонамизни кенгайтириш, маҳсулот турини кўпайтиришда "Микрокредитбанк"нинг молиявий кўмаги катта эканлигини таъкидлаш жоиз. Ушбу банкнинг Ромитан филиали ажратган 45 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига замонавий ва самарали ускуналар харид қилиб, нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш мажмуасини қуриш ниятидамиз.

Ушбу лойиҳамиз амалга ошса, туманимиз аҳолисига нон ва қандолат маҳсулотлари етказиб бериш йўлга қўйилади, 8 ёш иш билан таъминланади. Доимий ҳамкоримиз "Микрокредитбанк" билан алоқамизни янада мустаҳкамлаймиз.

Банк кредитлари тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратмоқда. Бу маблағларнинг асосий қисми янги технологиялар харид қилиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш турларини кенгайтиришга йўналтирилаётир.

— "Микрокредитбанк"нинг туман бўлимидан 10,8 миллион сўм кредит олиб, хориждан "Акфа" эшик-ромлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий технология харид қилдик, — дейди Паркент туманидаги "Zara-Sara" хусусий корхонаси раҳбари Илҳом Исоқов. — Янги ускуналарни ишга туширгач, корхонамизда аҳолига сифатли эшик-ромлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, қўшимча янги иш ўринлари яратилди.

Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиб боришида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши катта бўлмоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоизи ушбу соҳага тўғри келаётгани, иш билан банд аҳолининг 75 фоизи мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани бунинг исботидир.

— Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун кенг имкониятлар яратилган, — дейди Андижон вилояти Жалақудуқ туманидаги "Ровер фезеезер" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ҳамидулло Аҳмадалиев. — Бунинг самараси қишлоғу маҳаллаларимиз ободлиги, иқтисодиётимиздаги юқори ўсиш суръатлари, бозорларимиз тўкинлиги, дастурхонимиз файз-баракасида яққол намоён бўлади. Қолаверса, аҳоли эҳтиёжидан ортган маҳсулотларимизни чет элга сотиш орқали мамлакатимиз экспорт салоҳияти йил сайин юксалиб бораяпти. Бунда, оз бўлса-да, ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз. Корхонамизда замонавий мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришимизда "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Чунки фаолиятимизни ривожлантириш учун етарли тажрибага эга бўлсак-да, бизнес лойиҳаларимизни сармоясиз амалга ошириб бўлмасди. Шу боис замонавий ускуналар харид қилиш мақсадида молия муассасасига мурожаат этдик. Банк ходимларига лойиҳамиз маъқул тушди. Тез орада маблағ ажратилди. Молия муассасаси ажратган 99 миллион сўм эвазига хориждан замонавий жиҳозлар харид қилдик. Пировардида модернизациялаш тадбирларини муваффақиятли якунлаб, ишлаб чиқариш ҳажмини бир неча баробар кўпайтирдик. Ҳозир жаҳон талабига мос юқори сифатли мебель маҳсулотлари тайёрлаб, республикамиздаги истеъмолчиларга етказиб беряпмиз. Бинобарин, банк кредитлари ҳисобига 10 га яқин янги иш ўринлари яратиб, асосан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминладик.

"Микрокредитбанк" аҳоли, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз бизнесини ташкил этишига кўмаклашишни асосий мақсади деб билади.

— Аҳолига сервис хизмати кўрсатиш мақсадида банкдан 7,9 миллион сўм имтиёзли кредит олдим, — дейди Каттақўрғон шаҳридаги "Platinum Print" МЧЖ раҳбари Рустам Жабборов. — Ушбу маблағ ҳисобидан компьютер хизмати ва реклама агентлигини йўлга қўйдик. Натижада, 3 нафар тенгдошим доимий иш ўрнига эга бўлди. Эътибор ва кўмак тараққиёт сари етаклайди. Шу маънода, "Микрокредитбанк" жамоасининг молиявий хизматидан, мижозларга самимий муносабати ҳамда беғараз ёрдамидан миннатдормиз. Бундан кейин ҳам ушбу молия муассасаси билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, янги истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш ниятидаман.

Хулоса шуки, юқорида қайд этилган мисоллар мамлакатимизда кафолатли ва ишончли банк тизими яратилиб, у тобора такомиллашиб бораётганининг ёрқин исботидир. Бу, аҳолининг, тадбиркор ва ишбилармонларнинг тижорат банкларига ишончи ошаётганидан дарак беради. Мустаҳкам ишонч эса тараққиётнинг яна бир муҳим омилидир.

Эркин ДОРИПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарҳ

Соғлом турмуш тарзи

бахтли ҳаёт омили

Сил касаллиги ижтимоий хавфи юқори хасталиклар тоифасига киради. Шу боис Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳар йили 24 мартни Жаҳон сил касаллигига қарши кураш куни сифатида нишонлаб келади. БМТнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 2014 йилда 9,6 миллион киши сил касаллигига чалинган, улардан 1,5 миллиони ҳаётдан кўз юмган. Бироқ, ўтган йили сил касаллиги туфайли вафот этиш кўрсаткичи 1990 йилга қараганда 47 фоизга пасайган. Дунё миқёсида амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли 2000-2014 йиллар оралиғида сил касаллигига чалинган 43 миллион беморнинг ҳаёти сақлаб қолинган. 2014 йилда касалликка чалиниш билан боғлиқ энг кўп ҳолат Африка қитъасида қайд этилди: ҳар минг кишига 281 нафар. 2014 йилда сил касаллигининг 80 фоизи 22 мамлакат ҳудудида қайд этилди. Айниқса, Ҳиндистон, Индонезия, Нигерия, Покистон, Хитой ҳамда ЖАРда кўрсаткичлар анча юқори.

Жаҳон миқёсида сил касаллигига қарши курашиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунда аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оилада гигиена қоидаларига қатъий риоя этиш ҳамда белгиланган муддатда тиббий кўрикдан ўтиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2014 йилда дунёда сил эпидемиясига қарши курашиш, касалликка чалиниш ва у билан боғлиқ ўлим хавфини камайтириш, унга сарфланадиган харажатларни қисқартиришни назарда тутувчи ҳаракат дастурини қабул қилди. У 2015 йилдан 2030 йилга қадар сил касаллиги туфайли юзага келадиган ўлимни 90 фоизга камайтиришни ҳам назарда тутади.

Давоси бор касаллик

Сил — асрлар давомида инсониятга маълум юқумли хасталик. Эрамиздан аввалги V асрда қадимги юнон олими Гиппократ силга ўша даврда энг кенг тарқалган касаллик сифатида таъриф берган. У касалликка қарши чора йўқлиги, беморнинг ўлими шифокорларнинг обрўсига путур етказмаслиги учун ҳамкасбларига сил касаллигига чалинганлар олдига бормасликни маслаҳат берган. Сил касаллигини даволаш йўлида илк қадамни шу хасталикка чалинган немис олими Герман Бремер қўйган. Шифокорлар унга табиати сўлим жойларга бориб ҳордиқ чиқаришни тавсия этади. Бремер эса Ҳимолай тоғларига саёҳат қилиб, ўз юртига тузалиб қайтади. Шундан сўнг у тиббиёт билан астойдил шуғуллана бошлайди. 1854 йилда ўз даврининг шов-шувига сабаб бўлган "Сил — давоси бор касаллик" мавзусида диссертация ҳимоя қилди. 1859 йилда Бремер Грёберсдорфда сил касаллигига чалинганларни даволашга мўлжалланган дунёдаги илк санаторияга асос солди.

1882 йилда немис микробиологи Роберт Кох касаллик чақирувчи — таёқчаларни кўриш, аниқлаш, тасвирлаш имконини берувчи усулни кашф этди. 1905 йилда олим бу кашфиёти учун Нобель мукофотига сазовор бўлди. Нобелга лойиқ кўрилган яна бир ихтиро — рентген нури касаллик даражасини аниқлаш имконини берди. Ўтган асрнинг 30-йиллари касалликка қарши илк антибиотиклар тайёрланди. Бироқ бундай дори воситалари сил микобактериясига қарши курашишда яхши самара бермади. Фақат 1943 йилга келиб сил микобактерияси кўпайишининг олдини олувчи дори воситаси — стрептомицин кашф этилди. Унинг кашфиётчиси Сельман Ваксман 1952 йилда Нобель мукофоти билан тақдирланди. Бу тиббиёт соҳасида чинакам инқилоб бўлди — касаллик чақирадиган Кох таёқчаси (сил микобактерияси)га бевосита таъсир ўтказиш воситасига айланди. Кейинроқ бошқа дори воситалари, хусусан, 1966 йилдан рифампициндан ҳам фойдаланила бошланди. Ўтган асрнинг 70-йилларида фтизиатрлар даволаш "чизмаси"ни ишлаб чиқди. Унинг таркибига рифампицин, стрептомицин, пиразинамид ва изониазид каби дори воситалари киритилди. Уларнинг самарадорлиги юқори бўлиб, касаллик қайталанишини камайтиришга хизмат қилди. Шундан сўнг сил касаллигига чалиниш кўрсаткичлари камая бошлади. Бу ҳолат касаллик ўзини яна "намоён" этишни бошлаган 90-йилларга қадар сақланиб қолди. Шундан сўнг фтизиатрия (тиббиётнинг сил билан шуғулланувчи тармоғи)да кимётерапиядан кенг фойдаланила бошланди. Бу усул бугунги кунда ҳам анча самаралидир.



Огоҳлик — энг ишончли тўсиқ

Қадимда сил наслдан-наслга ўтувчи ирсий касаллик деб ҳисобланган. Аслида у одамдан одамга ҳаво-томчи йўли орқали юқишини ҳеч ким билмаган. Шарқнинг машҳур алломаси, табобат илми султони Абу Али ибн Сино ўзининг "Тиб қонунлари" асарида силнинг ташқи омиллар таъсирида юқиши мумкинлиги ҳақида фикр билдирган. Дарҳақиқат, асосан ўпка фаолиятини издан чиқарувчи "mycobacterium tuberculosis" бактерияси сил касаллиги қўзғатувчиси саналади. Микроблар бемор йўталганда, аксирганда, қаттиқ гаплашганда атрофга тарқалади. Бу кўзга кўринмас зарраларда минглаб сил таёқчалари бўлади. Улар ҳавода бир неча соатгача сақланиши мумкин. Ўпка сили билан касалланган бемор хонада узоқ вақт қолса, ҳавода бактериялар кўпайиб, бошқа кишиларнинг нафас йўлларига ўтади. Бу эса силни юқтиришнинг асосий сабаби бўлиб, ҳаво-томчи усули деб юритилади. Сил микобактериялари мавжуд бўлган ҳаводан нафас олган кишининг иммунитети паст бўлса, хасталикни юқтиради. Ўпка силида хасталикнинг асосий белгиси йўтал бўлиб, у узоқ вақт давом этади (2-3 ҳафтадан ортиқроқ) ҳамда бунда балғам ажралиши, айрим ҳолларда эса қон тупуриш, кўкрак қафасида оғриқ, тез-тез нафас олиш кузатилиши мумкин. Суяк ва мушак силида эса оғриқ, ҳаракатларнинг чекланганлиги, шишларнинг пайдо бўлиши ва мушаклар деформацияси кўзга ташланади. Буйрак силида оғриқ белда ва сийдик чиқаришда кузатилади. Бош мия пардалари силида кучли бош оғриғи кузатилиб, бунда ҳеч қандай дори-дармон ёрдам бермайди. Кейинчалик эса таом истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлмаган қўнгил айниши, қайт қилиш вужудга келади.

Агар одамда сил касаллиги ривожланиб борса, унинг дастлабки босқичида йўтал, иситма, терлаш, вазн йўқолиши каби асоратлар бир неча ой давомида "мудроқ" ҳолатда бўлади. Бу эса шифокорга мурожаатнинг ортга сурилишига ва касалликнинг бошқа одамларга юқишига олиб келади. Ўпка сили билан хасталанган беморнинг оила аъзолари ва у билан яқин мулоқотда бўладиган одамларда микобактерияни юқтириб олиш хавфи юқори бўлади. Дунё аҳолисининг қарийб учдан бир қисми силнинг бошланғич кўриниши билан оғриган. Бу силнинг микобактерияси дейилади. Микобактерия билан зарарланган одам ҳали сил касаллигига чалинмаган бўлади ва уни юқтира олмайди. Бундай одамларнинг 10 фоизи ҳаёти давомида сил касаллигига чалиниши мумкин. Бироқ улар орасида иммунитети паст, ОИВ ёки қандли диабетга йўлиққан, тўйиб овқатланмайдиган, тамаки, спиртли ичимликлар истеъмол қиладиганларнинг сил касаллигига чалиниш хавфи юқори. Сил касаллигига чалинган бундай беморларда даволаш ишлари тўғри олиб борилмаса, уларнинг 45 фоизи ҳаётдан кўз юмади. Сабаби ОИВ ҳамда сил бир-бирининг ривожланишини жадаллаштириб, ўлим хавфини оширади. Мисол учун, ўтган йили ОИВ инфекцияси билан хасталанганларнинг учдан бир қисмининг ўлимига ҳам айнан шу касаллик сабаб бўлган.

Олдини олган афзал

"Шифокорлар даволанишдан бош тортадиган беморлардан кўпроқ ташвишга тушади, — дейди Россиялик психотерапевт Наталья Киселёва. — Бу фақат уларнинг атрофдагилар саломатлигига хавф солиши билан изоҳланмайди. Гап шундаки, мунтазам ва нотўғри олиб борилган даволаш ишлари сил микобактерияларини уни бартараф этишга хизмат қиладиган дори воситаларига нисбатан "чидамли" қилиб қўяди. Бунда даволаш самара бермаслиги мумкин. Бундай микобактериялар билан зарарланган беморларни стандарт дори воситалар билан даволашнинг имкони бўлмайди, бу эса тиббиёт ходимларининг ишини оғирлаштиради".

Сил — узоқ муддат даволанишни талаб этадиган касаллик. Амбулатор шароитда беморлар ҳар куни сил касаллигига қарши курашиш диспансерларига келиб, кунлик дорини қабул қилишлари керак. Бир келишда бир ойга етадиган дорини олиб кетиш мумкин эмас. Бу дунё миқёсида қабул қилинган умумий меъёр бўлиб, мақсад — дори воситаларнинг ўз вақтида истеъмол қилинишини қатъий назорат қилишдан иборат.

"Силга кўпинча ночор ҳаёт кечирадиганлар касаллиги деб қаралади, — дейди Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети профессори Валентин Кривохиж. — Бироқ бугунги кунда, ҳатто фаровон ҳаёт кечираётган одамлар ҳам унга чалиниши мумкин. Бунга касаллик авж олган минтақаларга аҳоли миграциясининг кучаяётгани сабаб бўлмоқда. Қолаверса, кучли руҳий зўриқиш ҳам бунда муҳим омил бўлаётир. Организми ҳолсиз бўлиб қолган одамлар сил микобактериялари таъсирига тез тушиб қолади. Таниқли олим Николай Гамалей ўз вақтида сил таёқчасига бежиз "даҳшатли зирҳланган" деб таъриф бермаган эди. Хонадондаги артилмаган полда у 10-12 ой фаол ҳолатда "яшайди". Сил билан касалланган бемор қўлга олган китоб 3-4 ойгача бактерияни ўзида сақлайди. Таёқчалар паст ҳаво ҳароратига чидамли: улар 23 даража совуқда олти йилгача йўқолмайди. Шунга қарамай, қуёш нури уларни 3-4 соатда "ўлдиради". Беморларга иссиқ минтақаларга бориш тавсия этилишининг сабаби ҳам аслида шу: сил таёқчаси ўта хавфли эканида! Бироқ касалликни эрта аниқлаш уни назоратга олиб, бартараф этиш имконини беради. Шу боис огоҳлик ниҳоятда зарур. Ҳар йили флюографиядан ўтиш, болаларни эмлаш муҳим аҳамиятга эга".

Дарҳақиқат, шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш, ўз вақтида шифокор кўригидан ўтиб туриш касалликнинг олдини олишда муҳим. Бугун бу борада бир нечта усуллар мавжуд. Улардан бири — эмлаш. Бунда эмлаш орқали организмда сил инфекцияси бор-йўқлигини аниқлаш мумкин. Эмлашдан сўнг терида юзага келадиган ўзгаришлар орқали сил қўзғатувчиси мавжудлиги борасида бир тўхтамга келинади. Шунингдек, туғруқхоналарда болаларга силга қарши махсус вакцина қўлланилади. Бола эмланганидан сўнг унда касалликка қарши иммунитет ҳосил бўлади. Бироқ бу касалликдан тўлиқ ҳимояланиш имконини бермайди. Агар бола сил касаллигига чалинган одам билан тез-тез бирга бўлса, уни юқтириб олиши мумкин. Бироқ эмлаш касалликнинг энг ёмон шакли — сил менингити ривожланишининг олдини олади. Шунга қарамай, ушбу вакцина касалликдан бутун умрга ҳимояланиш имконини бермайди. Шу боис бола 7-8, ҳатто, 14 ёшга тўлганида ҳам эмланади.

Жиддий ёндашув ва самарали натижа

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда ва улар ўз ҳаётий самараларини бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 мартда қабул қилинган "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллиги билан касалланишни камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори доирасида бу соҳадаги тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Жаҳон тиббиётининг илғор усуллари ва воситаларидан самарали фойдаланилмоқда. Натижада мамлакатимизда силни даволаш самарадорлиги 87 фоизга етган. Ҳолбуки, жаҳонда ушбу кўрсаткич 85 фоизни ташкил этади.

Бу дардга чалинганлар узоқ муддатли тиббий-ижтимоий кўмакка эҳтиёж сезади. Мамлакатимизда бундай беморлар давлат муҳофазасига олинган. Уларга барча тиббий хизмат, дори-дармонлар бепул. Буларнинг самарасида мамлакатимизда сил бўйича эпидемиологик вазият яхши сақланмоқда. Кейинги ўн йилда бу борада ўлим кўрсаткичи уч марта, касалланиш деярли икки баробарга камайди. Беморларни соғломлаштириш муддати 8-10 ойдан икки ойгача қисқарди.

Ана шундай тизимли ишлар натижасида кейинги йилларда мамлакатимизда сил билан касалланишни қирқ фоизга, ўлим кўрсаткичини етмиш фоиздан кўпроқ камайтиришга эришилди. Халқаро экспертлар силга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича мамлакатимиз эришаётган ютуқларни, бу йўналишда орттирилган миллий тажрибани алоҳида эътироф этмоқда.

Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази мамлакатимизда фтизиатрия хизматини такомиллаштириш, хусусан, сил ва сурункали ўпка касалликларига қарши курашиш, мазкур хасталикларни энг замонавий муолажалар асосида самарали даволашга йўналтирилган етакчи илмий муассасадир. Марказнинг референс лабораторияси сифат кўрсаткичлари учун халқаро сертификат билан тақдирланган жаҳондаги энг яхши ўнта лабораториядан бири эканини таъкидлаш жоиз. Ҳудудлардаги шифохоналар ҳам касалликни аниқлаш ва ташхис қўйиш бўйича замонавий аппаратлар билан таъминланган. Касаллик профилактикаси, диагностикаси ва даволаш ишлари кучайтирилган. Бу жараёнда жаҳон тиббиётининг илғор услулларидан самарали фойдаланилмоқда. Хусусан, тиббий текширувларнинг бактериологик асосда ташкил этилаётгани хасталикни эрта аниқлаш, халқаро стандартлар асосида даволаш имконини бермоқда. Бу тизим хасталик даволаниши ва дорилар таъсир кўрсаткичини мунтазам ўрганиб ва баҳолаб боради. Тиббиёт марказининг ёш ва иқтидорли мутахассислари силга қарши курашнинг илғор усуллари ва жарроҳлик амалиёти бўйича АҚШ, Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея, Малайзия, Нидерландия, Россия сингари мамлакатларнинг нуфузли клиникаларидаги ҳамкасблари билан мунтазам тажриба алмашиб келмоқда.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Реклама

"ШОВОТ ТЕМИР-БЕТОН"
хусусий корхонаси жамоаси

Барча юртдошларимизни борлиқни гуллаган, юртимизга қут-барака, олам-олам қувонч ва шодлик олиб келган баҳор айёми билан қутлайди.

Лавруз

шукухи сизларни йил бўйи тарк этмасин!

Айёмингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Китобдан яхши дўст бўлмас

Руҳни бойитувчи маскан

Навқирон авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялашда китобнинг ўрни беқиёс. Китоб инсон ички оламини бойитади, ақлини чархлаб, тафаккурини юксалтиради. Мутолаа китобхонни таққослашга, таҳлил қилишга, яхшини ёмондан ажратишга ундайди.

Китоб — одамзод яратган нодир мўжиза. Унинг инсон тафаккури, дунёқарашини бойитишда ва, умуман, киши камолотида тутган ўрни ҳақида буюк алломаларимиз кўп ёзишган. Улуғлардан бири "Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда" деганда, нақадар ҳақ эди. Ёки улуғ бобокалонимиз Юсуф Хос Ҳожиб ўн аср аввал ёзган "Қутадғу билиг" асарида шундай ёзади:

Битиб қўймасайди
доно қалами,
Қоронғу қоларди
мозий олами.

Мамлакатимиз кутубхоналари тарихи ҳам узоқ даврларга бориб тақалади. Дастлаб саройларда, кейинчалик шахсий кутубхоналар фаолият кўрсатган. Дунё тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган олимларнинг аксарияти жаннатмонанд диёримиздан етишиб чиққанининг боиси ҳам ана шунда: китобга суяниш, мутолаадан куч олиш, йўл танлаш қонимизда бор.

Мустақиллик йилларида бундай эзгу анъаналар кўлами янада кенгайди. Бугун, ҳатто юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам замонавий кутубхоналар фаолият юритаётгани китобхонлар сафининг кенгайишига хизмат қилмоқда. Янгидан-янги маънавият масканлари, ахборот-ресурс марказлари барпо этилаётгани, мактаблар қошидаги кутубхоналар замонавий техник жиҳозлар, бадиий, маърифий, илмий-оммабоп адабиётлар билан бойитиб борилаётгани соҳа равнақи йўлида кўрсатилаётган улкан эътиборнинг яна бир ёрқин намунасидир.

...Андижон шаҳридаги Ўзбекистон кўчаси, Кенг ва равон йўллар бўйлаб, замонавий услубда қурилган қўпқаватли иморат кўзингизни қувнатади. Кўчанинг икки четида икки улкан иншоот. Иккаласи ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан аталади. Бири — вилоят мусиқали драма ва комедия театри бўлса, иккинчиси, адабиёт ва маърифат ўчоғи — Ахборот ва кутубхона маркази.

Халқ тилида Бобур кутубхонаси деб аталувчи ушбу масканда бугун 600 мингдан зиёд китоб мавжуд. Булар XIX асрдан бошлаб бугунги кунгача нашр этилган бадиий, илмий адабиётлар, ойнома ва рўзномалар, янги ахборот технологиялари ёрдамида тайёрланган электрон ресурслардан иборат.

"Бобур кутубхонаси"нинг 21 мингга яқин аъзоси бор. Марказнинг ўқув зали ҳамиша зиё истаган китобсеварлар билан гавжум. Кимдир газета тахламларидан зарур материални ўқийди, кимдир қадимий қўлёзмадан фойдаланган, яна ким эса янги бадиий китоблар мутолааси билан банд. Уларни кузата туриб, "...ҳозир китобга бўлган қизиқиш камайди, ёшлар китоб ўқимай қўйди", деган таъналар аслида у қадар тўғри эмаслигига ишонч ҳосил қиласан, киши.

— Халқимизда "кўп ўқиган кўп билади" деган гап бор, — дейди Андижон тиббиёт институти талабаси Райимжон Шербадалов. — Айниқса, бу билим ёшлиқда эгалланса, тошга ўйилган нақш каби онгу қалбга муҳрланади. Шу маънода билимимизни бойитишда дунёга, ён-атрофга янада теранроқ нигоҳ билан назар солишда китобхонлик алоҳида аҳамиятга эга...

Кутубхонада нафақат ёшлар, балки катта ёшлиларни ҳам учратасиз.

— Бир умр китобдан ҳикмат излаб яшамоқдаман, — дейди, 68 ёшли Олтибой ота Қувватов. — Фарзандларим, яқинларимга доимо китоб совға қиламан. Чунки китобдан яхши дўст йўқ.

Ахборот кутубхона маркази директори Гулнора Исмоилованинг айтишича, китобхонлар сафини кенгайтириш мақсадида 45 ташкилот ва муассасаларда кўчма кутубхоналар ташкил қилинган. Андижон шаҳар ногиронлар жамиятидан ўндан ортиқ имконияти чекланган китобхон кутубхонага аъзо қилинди. Ҳар жума куни уларнинг уйига махсус транспорт билан китоб, газета ва журналлар олиб борилади.

Ахборот кутубхона маркази ходимларининг лойиҳа ва таклифлари асосида ўтказиладиган тадбирлар ҳам ранг-баранг. Йилнинг муҳим саналари, мутафаккир боболаримизнинг таваллуд кунлари муносабати билан давра суҳбатлари, ижодий кечалар, вилоятда яшаб ижод қилаётган ёзувчи-шоирлар билан учрашувларга ҳар сафар таълим муаассасалари ўқувчи ва талабалари таклиф қилинади. Масалан, "Кутубхона — иккинчи оиламиз" лойиҳаси кўпчиликка маъқул тушди. Унда маърифат олишга иштиёқманд оналар кичик ёшдаги фарзандлари билан бирга ташриф буюради. Оналар учун бола тарбияси, юксак маънавиятга эришиш йўллари, янги китоблар муҳокамаси ўтказилади, болаларга эртаклар айтиб беришади. Кичкинтойларнинг шеър ўқиш, ёдлаш машқлари худди дарс соатидек ўтказилади.

Ҳудудий маънавият ва маърифат кенгашлари фаолияти, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари, ижодкор зиёлилар ролини кучайтириш мақсадида ҳар йили май ойида "Китобхонлар байрами" ҳафталиги ўтказилади. Унда вилоят Ахборот кутубхона маркази мезбон сифатида фаол иштирок этиши ҳам ўзига хос анъанага айланган. Ҳафталик қитоб оламига оид қизиқарли учрашувлар, ижодий давра суҳбатлари, "Энг фаол китобхон", ёш рассомларнинг "Гўзал ва бетакрор юртим" каби кўрик-танловларини ўз ичига олади. Ундан кўзланган мақсад адабиёт, маънавият ва маърифат, ноширлик соҳаларида қўлга киритилган улкан ютуқ ва марраларимизнинг маъно мазмунини аҳоли, айниқса, ёш авлодга етказиш, болалар адабиётини ривожлантириш, фарзандларимиз маънавиятини юксалтиришдан иборатдир.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида камол топиб келаётган авлодни, биринчи навбатда, китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларда матбаачилик маҳсулотларига қизиқишни кучайтириш, Ўзбекистон тарихи, маънавий-маданий меросга доир адабиётларни нашр этиш билан шуғулланаётган муаллифлар, босмахоналар, нашриётларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш, уларга солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар бериш, бу йўналишда ижодий ташкилотлар, нашриётлар ва таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга кўмаклашиш партиянинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Зеро, китоб — нуру зиё. У билимлар хазинаси, умрни ёритгувчи шамчироқдир.

Замира РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Qishloq Qurilish Bank

Барча юртдошларимизни яшариш ва янгиланиш айёми – Наврўзи олам билан чин дилдан табриклаймиз.
Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, куч-қувват, шунингдек, мустақил Ўзбекистонимизнинг бунёдкорлик ишларида янгидан - янги муваффақиятлар тилаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, қуйидаги омонат турларини таклиф этамиз.

Миллий валютада:

"Соғлом авлод" — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади;
"Омад" — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади;
"Юқори даромад" — омонатга маблағлар 8 ойдан 15 ойгача қабул қилинади.
"Ёрқин келажак" — омонатга маблағлар 8 ойга қабул қилинади.

Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

Хорижий валютада:

"Percent" — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади;
"Profit" — омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

Омонатга маблағлар АҚШ долларида қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

"Хонадон" — маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади;
"Мадад" — маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади;
"Қурилишга бошланғич бадал" — муддати 1 йил.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатингиз:

- ✓ солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- ✓ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- ✓ миқдори чекланмаган.

Мурожаат учун:
(+998 71) 150-72-58, 150-39-93,
www.qqb.uz

Қишлоқ қурилиш банк – фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган

Реклама

"ИПОТЕКА БАНК" АТИБ
Навоий вилоят филиали жамоаси
барча юртдошларимизни,

банкимиз мижозларини меҳр-мурувват, ободлик, яшариш ва янгиланиш айёми — Наврўзи олам билан самимий қутлайди. Қадимий қадриятлар қадр топган, фарзандлари баркамол Ўзбекистон аҳлининг эзгу ишларига омад, оилаларига хотиржамлик, фаровонлик ва бахт-саодат тилайди.

"Ипотека-банк" АТИБ аҳолига қуйидаги омонат турлари таклиф этади:

№	ОМОНАТ НОМИ	йиллик фоиз тўлови	МУДДАТИ	АСОСИЙ ШАРТЛАР
1	"Талаб қилиб олингунча"	0,1%	Муддатсиз	Омонатни исталган муддатда олиш ва қўшимча маблағ қўйиш мумкин
2	"Пластик карта"	0,1%	Муддатсиз	Фоизлар капитализация қилинади
3	"Қалдирғоч"	20%	1,3,5 ойга, 6 ойга,	Ушбу омонат фақат мазкур жамғарма кассада мавжуд бошқа муддатли омонатни қайта расмийлаштириш йўли орқали расмийлаштирилади
4	"Оила"	19%	15 кун, 1 ой ва 2 ой	Фоизларни ҳар ойда олиш ва қўшимча маблағ қўйиш мумкин
5	"Янги уй пойдевори"	Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида (йиллик 10 фоиз)	12 ойдан ортиқ муддатга	"Янги уй пойдевори" миллий валютадаги муддатли мақсадли жамғарма омонат турларига намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар лойиҳа қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдоригача дастлабки бадални йиғиб бориш учун қабул қилинади. Фоизлар капитализация қилиб борилади
6	"Файзли хонадон"	Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 75 фоизи (йиллик 7,5 фоиз) миқдорида	уй-жой учун олди-сотдиси бўйича шартнома тузилгунга қадар	Сотиб олинаётган квартиранинг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда дастлабки бадални киритиб бориш учун
7	"Умид"	17%	3-6-9 ой	Пролангация қилинади (мижоз фоизлардан ташқари омонат қисмини олмаса тизимли тарзда узаяди)
8	"Бойчечак"	17%	3 ойга	Ютуқли муддатли омонат

Хизматлар лицензияланган

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Сумалак — қувват манбаи

Баҳор фасли ва Наврўз байрамини сумалаксиз тасаввур қилиш қийин. Бу маросим ва таом ҳақида олимлардан Наршахий, Умар Ҳайём, Беруний асарларида маълумотлар учрайди. Баъзи олимлар бу қадимий таомнинг тарихи уч минг йилдан ортиқ, дейди.

Сумалак — ўзбек халқининг қадимдан ардоқлаб, суйиб истеъмол қиладиган хушхўр, дармондориларга бой таомларидан. Унинг саломатликка фойдали экани фанда исботланган. Сумалак пишириш билан боғлиқ қадриятларнинг ўз тарихи бор. Зукко аждодларимиз фасллар алмашадиган пайтда инсон вужудида рўй берадиган ўзгаришларни теран англаб, эрта баҳорда организмнинг дармондориларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплайдиган ва кишига саломатлик, куч-қувват бахш этадиган сумалак, ҳалим, кўк сомса каби таомлар пиширган. Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино "Тиб қонунлари"да ушбу кўклам таомлари истеъмол қилинганда қувват ошишини қайд этган. Дарҳақиқат, олимлар сумалак, ҳалим таркибини ўрганганда, уларда инсон ҳаёти учун муҳим бўлган витамин ва минераллар кўплиги аниқланган. Айниқса, буғдой майсасида унинг донига нисбатан бир неча баробар кўп дармондори мавжуд. Бу витаминлар инсон вужудида моддалар алмашинуви жараёнини яхшилайди, юракка қувват беради, тоза қонинг олдини олади, руҳий ҳолатни мўътадиллаштиради. Сумалак — баҳорнинг шифобахш табаррук таоми: қонимизни тозалаб, жисмимизни тетиклаштириб, куч-қувватимизни оширади. 1936 йилда буғдой ўсимтасини текширган немис олимлари Эмерсон ва Эванс буғдойда токоферол моддаси борлигини аниқлаган ва у женшень таркибида учрайдиган Е витаминининг ўзгинаси эканлигини исботлаган. Олимларнинг таъкидлашича, сумалак гипертония, гепатит, буйрак, меъда-ичак хасталикларига яхши даво бўлиб, қон таркибини яхшилаб, меъда-ичак фаолиятини меъёрга келтиради, асабни тинчлантиради, уйқуни мўътадиллаштиради.

Айтишларича, сумалакни қанча кўп одам истеъмол қилса, уни пиширганларга савоби шунчалик кўп тегар эмиш. Шунинг учун бу хушхўр овқатни кўпчиликка тарқатиш одат тусига кириб қолган. Наврўзда уюштириладиган сумалак сайли инсонлар ўртасида ўзаро меҳр, дўстлик, бирадарлик каби чин инсоний фазилатларни янада сайқаллаб боради.

БИЛАСИЗМИ?

● "Nissan ZEOD RC" дунёдаги энг тезюрар электр автомобиль сифатида "Гиннеснинг рекордлар китоби"га киритилган. Унинг максимал тезлиги соатига 186 мил (300 километрдан зиёд).

ТУРФА ОЛАМ

Антиқа пойабзал

"Nike" фирмаси боғичи ўз-ўзидан боғланадиган "Nike Hyperadapt 1.0" кроссовкасини ишлаб чиқарди.

"Nike Hyperadapt 1.0" пойабзали устида дизайнер Тинкер Хэтфилд ва компаниянинг катта инноватори Тиффани Бирс ишлади. Бирснинг сўзларига қараганда, одам товонимахсус сенсорга тегиши билан оёқ кийимининг ипларини ўз-ўзидан ҳаракатга келиб, боғланади. Кроссовка чеккасида иккита тугма бўлиб, улар боғланишни заифлаштириш ёки кучайтиришга хизмат қилади. Интернетга футбол юлдузи Криштиану Роналдунинг кроссовкани синаб кўргани ҳақидаги видео жойлаштирилди. "Nike Hyperadapt 1.0" кроссовкасини шу йилнинг охирида сотувга чиқариш мўлжалланмоқда. Уни фақат "Nike+" дастури фойдаланувчилари харид қилиш имкониятига эга бўлади. Кроссовка уч хил рангда ишлаб чиқарилади.

Ш.ГАФФОРОВ тайёрлади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САЙДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 325, Адади — 12282. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод ГАФФОРОВ
Навбатчи: Ойдин АЛИМАРДОНОВА
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: m.tiklanish@umail.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 21.00.
ЎзА якуни — 19.30.

ISSN 2010-7714
9 772010 771003 123 5